

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ**

**МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТИ**

ҲАСАНОВ АКБАРЖОН АБДУРАШИДОВИЧ

БАДИИЙ МАТНДА СЕМАНТИК-СТИЛИСТИК ВОСИТАЛАР

(А..Қаҳҳор асарлари мисолида)

Услубий қўлланма

Қўқон – 2019

Ушбу қўлланма ОЎМТВ томонидан тасдиқланган “Ҳозирги ўзбек адабий тили” ва “Матн лингвистикаси” намунавий ўқув дастурларига киритилган мавзуларни чуқурроқ ўрганиш мақсадида Қўқон ДПИ илмий кенгаши тавсияси асосида ишлаб чиқилди.

Ўзбек тили кафедраси ва институт илмий кенгаши розилиги билан чоп этишга рухсат этилди.

Кафедранинг 2019 йил ____ ____даги ____ -сонли йиғилиши
баённомаси.
Услубий кенгашнинг 2019 йил ____ ____даги ____ -сонли йиғилиши
баённомаси.

Қўлланма муаллифи : А. Ҳасанов.ф.ф.н. к.ўқ.

Такризчилар: О. Бозоров. ф.ф.н. доц.
Ш. Акрамов. ф.ф.н. доц.

Мазкур рисола “Ҳозирги ўзбек адабий тили” ва “Матн лингвистикаси” фанларидан олинган назарий билимларни амалда қўллай олиш бўйича талабаларнинг БКМларини шакллантириш ва чуқурлаштиришга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Қўлланмада йўл қўйилган қамчилик ва нуқсонлар бўлса, бу ҳақдаги фикрларни мамнуният билан қабул қиламиз.

Муаллиф.

КИРИШ

Сўз санъаткорлари бадиий матнга бадиий-эстетик руҳ бағишлашда, асар бадииятини таъминлашда муҳим мезонлардан бири саналган эскирган сўзлардан халқчилликни таъминлаш, бадиий матнга ўтмиш колоритини бериш, қолаверса, эмоционал-экспрессивликни юзага чиқаришда услубий восита сифатида фойдаланадилар.

Тарихий сўзлар бадиий матнда тарихий даврни ҳаққоний тасвирлаш заруриятидан қўлланилса, архаик сўзлар услубий восита сифатида бадиий матнга ўтмиш колоритини бериш билан бирга, бадиийликни таъминлашда асарга кўтаринки, тантанавор руҳ бағишлаб, ифода-таъсирчанликни юзага чиқарувчи эстетик вазифа бажариши билан характерланади¹.

Маълумки, тилнинг тасвирий воситалари шеърини нутқда кучли экспрессивлик ҳосил қилади. А.Қаҳҳор ана шундай бадиий-эстетик вазифани наср тилида қўлланган ўхшатишлар орқали ифодалаб, ўзига хос маҳорат мактабини яратди. Ҳикоялардаги ўхшатиш қурилмаларини шакллантирувчи грамматик воситалар ёзувчининг бадиий нияти билан уйғунлашиб, бадииятни таъминлашда ақтуллик касб этган. Ўхшатиш қурилмалари сўз, сўз бирикмаси, кенгайган бирикма ва гап шаклида бўлиши мумкин. Ўхшатиш қурилмасининг гап шаклида берилиши А.Қаҳҳорга хос лингвистик маҳоратдир.

Хусусан, киноя мураккаб мазмун кўринишларидан бири бўлгани учун, улар синтактик бирликлар орқали ифодаланади. Бадиий матнда ўрни билан қўлланган киноя воситаси персонажнинг хулқ-атворини характерлаб, баҳолаш вазифасини бажаради. Ёзувчи сатирик-юмористик характердаги ҳикояларида кўпроқ киноянинг ассоциатив усулидан кенг фойдаланганки, бу унинг ўзига хос услубини белгилайди. Ёзувчининг ҳикоя экспозициясидаёқ киноя усулидан фойдаланиши унинг сатирик асар яратишдаги маҳоратининг бир қирраси сифатида намоён бўлади.

¹ Абдурахмонов Х., Маҳмудов Н. Сўз эстетикаси. – Т.: Фан, 1981. – Б. 17-19.

Ўхшатишлар лингвопоэтикаси

Бадий тафаккурнинг энг қадимги ва оммапоб кўринишлардан бири бўлган ўхшатишлар ўзбек тилшунослигида бир мунча мукамал ўрганилиб, ўзининг назарий асосларини топган¹.

XX асрнинг 2-ярмидан ўзбек тилшунослигида долзарб масалалардан бири ҳисобланган бирор шоир ёки ёзувчи тилида, ёхуд алоҳида олинган бадий асар тилида қўлланган ўхшатишларнинг услубий жиҳатлари ҳамда сўз санъаткорларининг ундан фойдаланиш маҳоратини ўрганишга эътибор қаратилди ва ҳозирги кунга қадар бу борада сезиларли ишлар амалга оширилди².

Шундай бўлса-да, алоҳида олинган шоир ва ёзувчи асарлари тилида қўлланган ўхшатишларни кенг жамоатчиликнинг эътиборини тортиб келаётган прагматик майдон назарияси асосида лингвопоэтик тадқиқ қилиш ўзининг долзарблик даражасини сақлаб келмоқда.

Шу кунга қадар амалга оширилган қатор ишларда ўхшатишларнинг таркибий компонентлари, қўлланиш услуби, образ яратиш функциялари ҳақида қатор қимматли фикрлар майдонга келди. Бироқ ўхшатишлардаги хусусийликнинг умумийликка томон силжиши, яъни сўзловчининг ички мақсади акс этган хусусий яширин мазмун кўринишларининг асарнинг

¹ Мукаррамов М. Ўзбек тилида ўхшатиш. – Т.: Фан, 1976. – 88 б; Қўнғуров Р. Ўзбек тилининг тасвирий воситалари. – Т.: Фан, 1977. – Б. 41-80.

² Шоабдурахмонов Ш. Ойбек романларининг тили. // Шарқ юлдузи. – 1955. – №10. – Б. 106-116; Расулов Т. Бадий образ ва образли тасвирий воситалар. // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1965. – №5. – Б. 5-12; Тўрабекова С. Гофур Гулом поэзиясидаги бадий тасвир воситаларининг баъзи хусусиятлари ҳақида. // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1960. – №6. – Б. 32-37; Маҳмудов Н. Ойбек шеърлятидаги ўхшатишларнинг лингвопоэтикаси. // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1985. – №6. – Б. 48-49; Рустамов А. Навоийнинг бадий маҳорати. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979; Носиров Ў.Н. Асқад Мухторнинг «Опа-сингиллар» романида ўхшатиш. // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. Илмий ишлар тўплами. 217 том. – Т., 1978. – Б. 18-22; Каримов С. Ўзбек тилининг бадий услуби. Фил.фан.доктори... дисс. – Самарқанд, 1993. – Б. 183-190; Йўлдошев М. Чўлпоннинг бадий тил маҳорати. Фил.фан.номзоди... дисс. – Т., 2000. – Б. 99-112; Нормуродов Р. Шукур Холмирзаев асарларининг тил хусусиятлари. Фил.фан.номзоди... дисс. – Т., 2001. – Б. 54-64; Муҳаммаджонова Г. «80-йиллар охири, 90-йиллар бошлари ўзбек шеърлятининг лингвопоэтик таҳлили». Фил.фан.номзоди... дисс. – Андижон, 2003. – Б. 99-109; Ёқуббекова М. Ўзбек халқ кўшиқларида ўхшатиш. – Т.: Фан, 2003. – 95 б; Джалолова Л. Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романининг лингвистик тадқиқи. Фил.фан.номзоди... дисс. – Т., 2007. – Б. 37-52.

умумий ғоясига нечоғлик боғлиқлиги масаласи ўзининг ечимини топганича йўқ.

Маълумки, «лингвистик прагматика тилшуносликнинг янги соҳаси сифатида нутқ субъектининг ички мақсади билан боғлиқ яширин пропозицияларни ўрганади»¹. Тилнинг тасвирий воситалари лингвистик прагматиканинг бирлиги – прагмема сифатида ана шу хусусий яширин мазмун кўринишларини ўз зиммасига олади. Ўхшатишлар ҳам бундан мустасно эмас.

Ўхшатиш инсонларнинг нарса ёки ҳодиса ҳақидаги тасаввурларини воқелантириш учун ифодаланувчи лингвосубъектив воситадир. Бундан ёзувчи моҳирона фойдаланган ҳолда асар қаҳрамонларини типиклаштиришда, уларнинг ўзига хос индивидуал хусусиятларини очишда, рухий (интим) ҳолатларини акс эттиришда, макон ва замон тасвирини беришда ўзининг бетакрор услубини яратади.

А.Қаҳҳор ҳикоялари тилини безашда, нутқнинг таъсирчанлиги ва ифодавийлигини кучайтиришда, тасвирнинг аниқлиги ва образлилигини таъминлашда ўхшатиш воситасидан моҳирона фойдалана олган ижодкордир. У ҳар бир ўхшатишга бефарқ қарамайди, уни усталик билан асар мазмунига сингдириб юбориб, мисли кўрилмаган, бетакрор образли тасвирларни яратади.

Маълумки, ўхшатишлар бадий адабиёт тилида қўлланилишига кўра анъанавий ва индивидуал турларга ажратилади².

Анъанавий ўхшатишлар образлилик ва экспрессивликдан ҳоли бўлади. Масалан, ёзувчи ҳикояларида қўлланган *қўчқордай ўғил, бир оиладай иноқ, канадай ётшимоқ, маст кишидай, ёввойи қўёндай, кўча болаларига ўхшаб*, каби ўхшатиш эталонларини бунга мисол қилиб келтириш мумкин. Бу каби ўхшатишлар жонли ва бадий нутқ жараёнида кўп қўлланилиши боис, ўзининг образлилик, эмоционал-экспрессивлик бўёғини йўқотган бўлади. Адиб ҳикояларида қўлланган бундай

¹ Ҳақимов М.Х. Кўрсатилган докторлик диссертацияси. – Б. 81.

² Мукаррамов М. Кўрсатилган асар, 27-28-бет.

Ўхшатишлар муаллиф ва персонажлар нутқи орқали берилиб, жонли сўзлашув нутқининг белгисини аниқлаштиради ва воқеликни реал акс эттириб, ҳикоялар бадииятини таъминлашда муҳим омиллардан ҳисобланади.

Ўрни келганда шуни ҳам таъкидлаш керакки, адибнинг анъанавий ўхшатишлардан индивидуал фойдаланиш маҳорати таҳсинга лойиқ. Айтиш мумкинки, *мушукчадай, пила қуртидай* каби ўхшатиш эталонларига кутилмаганда кучли экспрессивлик, янгилик бўёғини бера олган. Масалан: *Эллик уч йил! Эллик уч йилдан бери бир дастурхондан туз татиغان, бир кўрпани босган, бирга қулган, бирга йиғлаган: эллик уч йилдан бери мушукчадай бир-бирига суйкалиб, бир-бирини ялаб, оғритмай тишлаб, йиқитиб, йиқилиб бериб, пийпалашиб ўйнаган. Эллик уч йилдан бери меҳр аталмиш улкан туйғу риштасини пилла қуртидай бир маромда аста-секин чувиб, бир-бирининг қалбини ўраб-чулғаб келган* («Маҳалла»).

Кўришиб турибдики, ўхшатиш шахс ва жонли предметлар ўртасида юзага келган. Бунда ҳикоя персонажлари: Роҳат буви ва Ҳикмат буваларнинг эллик уч йил мобайнида бир-бирига суяниб, бир-бирига эркаланиб, турмуш қийинчиликларидан бир-бирини аяб, беозор турмуш қурганликлари мушукчаларнинг ҳаракат-ҳолатларига қиёсланса, қалбларидаги садоқат, муҳаббат, меҳр-оқибат туйғулари билан бир-бирининг қалбини ўраб-чулғаб, мустаҳкам оила қурганликлари ипак қуртининг хатти-ҳаракатларига образли, таъсирчан ўхшатишган. Мушукча билан ипак қуртига хос бўлган ҳаракат-ҳолатлар ижобийлик семасига оид бўлгани боис, ўхшатиш эталонларида ҳам ижобий прагматик семалар юзага чиққан. Эътиборлиси шундаки, мушукча билан ипак қуртига хос бўлган ҳаракат-ҳолатлар ўхшатиш асосини ташкил этиб, улар қаватлашган ҳолда келиб, кутилмаганда градация ҳодисасини юзага келтирган ва экспрессивликни, образлиликни кучайтиришга хизмат қилган.

Худди шу каби мисолни Ойбекнинг қуйидаги шеърий парчасида учратдик: *Мен ипак қурти каби*

Хаёлимга ўралдим.

Туйғуларим гирдоби

Орасида йўқолдим. («Шоир билан суҳбат»)

Н.Маҳмудов «Ойбек шеъриятидаги ўхшатишлар лингвопоэтикаси» номли мақоласида адибнинг *ипак қурти каби* тарзидаги ўхшатиш эталонидан фойдаланиш маҳоратига юксак баҳо беради: «Маълумки, ипак қурти ипак чиқариб ўзини ўзи ўрайди ва пила ҳосил бўлади, ўзи эса унинг ичида қолиб кетади, пила – оппоқ, у ана шу оқлик ичра пинҳон бўлади. Шоир эса ўз хаёлига ўралади, уни оқ, пилладай оппоқ хаёллар қуршайди, ана шу хаёллар, оловли туйғулар гирдоби ўзининг бесарҳад бағрига олади, шу оппоқ бағирда шоир пинҳон бўлади. Теран ва таранг мутаносиблик, ўхшаши йўқ, ҳақиқий ойбекона ўхшатиш»¹.

Юқоридагилардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, А.Қаҳҳор ва Ойбекнинг ўхшатишлардан фойдаланиш маҳорати ўзига хос. Маълумки, тилнинг тасвирий воситалари шеърий нутқда кучли экспрессивлик ҳосил қилади. Ойбекнинг юқорида келтирилган шеърий парчасида бунинг ёрқин мисолини кўрдик. А.Қаҳҳор эса ана шундай бадиий-эстетик вазифани наср тилида қўлланган ўхшатиш орқали ифодалаб, ўзининг индивидуал маҳоратини намоён этган.

«Индивидуал ўхшатишлар ёзувчининг халқ тилидан моҳирона фойдаланиши орқали қўлланган ўхшатишлардир»².

А.Қаҳҳорнинг ўхшатишлардан фойдаланишдаги услуби бошқа замондош ижодкорларнинг услубидан ўзининг оригиналлиги, ҳаётийлиги билан фарқ қилади. Чунки у ўхшатиш эталонларини жонли халқ тилидан олиб, кутилмаганда кучли эмоционал-экспрессив образли ифодалар яратган. Масалан: *Назирбуви сандалнинг четида, деразадан тушиб*

¹Маҳмудов Н. Ойбек шеъриятидаги ўхшатишлар лингвопоэтикаси // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1985. – №6. – Б. 49.

² Мукаррамов М. Курсатилган асар, 28-бет.

турган эрта баҳор офтобига шўрвада пишган олмадек юзини товлаб, тўйган қўзичоқдай ухлаб ётар эди («Кампирлар сим қоқди»).

Бунда ўхшатишлар турли объектлар ўртасида юзага келган: а) шахс ва жонсиз нарса ўртасида, яъни Назирбувининг юзи шўрвада пишган олмага қиёсланяпти. Кўриниб турибдики, ўхшатиш воситаси ифодаланмаган, унинг маъноси ўхшатиш эталонига сингдирилган. Олма шўрвада пишганда сирти силлиқлашади, таранглашади, бунинг натижасида олма сиртида кучли таранглашиш оқибатида ёриқ чизиклар пайдо бўлади. Мана шу силлиқлашиш, таранглашиш Назирбувининг юзига, ёриқ чизиклар ундаги ажинларга образли ўхшатирилган; б) шахс ва жонли нарса ўртасида ўхшатиш усули қўлланган, яъни Назирбуви тўйган қўзичоққа қиёсланган. Бунда *тўйган қўзичоқдай* бирикмасидаги йўлдош ифода семалар – `беғам`, `беозор` семалари Назирбувининг ухлаётган ҳолати *тўйган қўзичоқ* эталонига образли ўхшатирилишида актуализатор вазифасини бажарган. Келтирилган ҳар иккала ўхшатиш эталони ҳам ижобийлик бўёғига эга. Адиб ўз қаҳрамони – Назирбувига ижобий маънодаги ўхшатишларни қўллаганки, тасвирланаётган объектнинг нурсиз, қоронғи, мавҳум томонлари китобхон хаёлида реаллашади, тиниқлашади; ўзбек миллатига хос кампирнинг ижобий қиёфаси гавдаланади.

А.Қаҳҳор ҳикояларида табиат тасвирига ҳам қўйилмаганда индивидуал ёндашган.

Кўр ойдин. Осмоннинг чеккаси сариқ-қир уводага ўхшайди («Дахшат»).

Бунда ўхшатиш жонсиз нарсалар ўртасида юзага келган, яъни осмоннинг чеккаси сариқ-қир уводага образли ўхшатирилган. Ўхшатишни ҳосил қилувчи компонентлар: ўхшатиш субъекти – *осмоннинг чеккаси*, ўхшатиш эталони – *сариқ-қир увода*, ўхшатиш воситаси – *ўхшайди* феъли. Бунда ўхшатиш асоси (белгиси) бевосита ифодаланмаган, айтини пайтда ўхшатишнинг шаклий кўрсаткичи *ўхшамоқ* феълидан фойдаланилган. Бу

бирлик ўхшатишнинг яхлитлиги, умумийлигини таъкидлаб туради. Ёзувчи юқоридаги ўхшатиш эталонини қўллар экан, табиат тасвирига ўзининг салбий эмоциясини билдиради. Кўр ойдин кечада, бўронли тунда булутлар орасидан тушиб турган ой ёғдуси осмоннинг чеккасида қандай манзарани акслантиришини маълум бир семема – тушунча билан ифодалаш қийин. Ёзувчи ана шундай вазиятда *сарик-кир увада* эталонини қўллайди (бунда увада лексемасининг генетик маъноси “номунтазам шаклга эга бўлган эски, ифлос пахта” семасига эга). Осмон чеккасидаги манзара тасвирида бевосита иштирок этаётган булут парчаларини номунтазам шаклига, белгисига кўра сарик-кир увадага образли ўхшатади, тасвирланаётган воқеликни реаллаштиради, тиниклаштиради, китобхон эмоциясига таъсир ўтказади. Адиб осмон чеккасини сарик-кир увадага ўхшатиш орқали киши кўнглидаги ғашлик, безовталиқ, нотинчликка ишора қилиб, ҳикоя қаҳрамони – Унсиннинг руҳий ҳолатини имплицит тарзда ифодалаб, ўзининг қаҳҳорона услубини яратади.

А.Қаҳҳорнинг ўхшатишлардан индивидуал фойдаланиш маҳорати ҳақида адабиётшунослик илмида ҳам қимматли фикрлар мавжуд. Жумладан, М.М.Султонова унинг ўхшатишлардан фойдаланиш маҳоратига юксак баҳо берар экан, ўрни билан танқидий фикрлар ҳам билдиради. Масалан, у «*Маҳсум похол орасидаги чумчуқ уядай оғзини очиб қараб қолди*» мисолини келтириб, ундаги ўхшатишни реалликдан узоқ деб баҳолайди¹.

Бизнингча, бу масала моҳиятига бир томонлама қарашдир. Агар унга тилшунослик нуқтаи назаридан ёндашадиган бўлсак, ёзувчининг ўхшатиш қурилмасидан ўринли фойдаланганлигининг гувоҳи бўламиз. Берилган мисолдаги *чумчуқ уя* лексемасининг семем структурасига қиравчи `думалоқ (доира) шаклга эга` семаси оғизнинг доира шаклида очилган ҳолатига образли ўхшатилишида асос бўлган. Бунда ўхшатиш

¹ Султонова М.М. Абдулла Қаҳҳор услуби. – Т.: Фан, 1967. – Б. 73.

субъекти ва ўхшатиш эталони орасидаги мутаносибликни таъминлашда ўхшатиш асоси – *очилмоқ* лексемаси актуал вазифа бажарган. Ёзувчи юқоридаги ўхшатиш қурилмасидан персонажнинг характер-хусусиятини комик планда тасвирлашда фойдаланган ҳамда ўзининг индивидуал услубини намоён этган.

Адиб ҳикояларида қўлланган ўхшатишлар турли грамматик воситалар билан юзага чиққан.

1. Ўхшатишларнинг аффикслар билан ифодаланиши. А.Қаҳҳор ҳикояларини синчиклаб кузатар эканмиз, уларда ўхшатиш қурилмалари турли хил кўшимчалар билан ҳосил қилинганлигининг гувоҳи бўламиз. Масалан: *Шермат ака ошни одатда поя шимигандай товуш чиқариб ичига тортар, иягини хиёл кўтариб узоқ чайнар, ютганида онасини эмаётган оч гўдакдай кўзлари сузилар, уни ош ейишини кўрган касал одамнинг ҳам иштаҳаси очилиб кетар эди («Сўнган вулқон»)*. *Унсин ўтин қидирди, лекин ҳар сафар ўтин қалаганида аланганинг гуркираши, чирсиллаши мудраб ётган арвоҳларни уйғотиб юборишидан кўрққандек унинг устига ўзини ташлагудай бўлар эди («Даҳшат»)*. *...борди-ю, Латофатхон дегани суви қочиб, шоҳида майиз бўлган кампирсимон бир хотин бўлса-чи? («Кўк конверт»)*. *Ҳамманинг диққати хотинча кийинган ва эшик ёнида ерга қараб турган йигитга жалб бўлди («Майиз емаган хотин»)*. *Мен авваллари унинг бундай очиқ кўрлигига қандай маъно беришни билмай юрар эдим, кейин билсам бу очиқ кўрлик ўша вақтда «узоқни кўрадиган», олимларча айтган бир «ҳикмати»нинг натижаси экан («Бек»)*. *Ҳовли юзида айланиб юрган оқсоқ мушук тўкилган жўхорини искаб кўрди, маъқул бўлмади шекилли, Туробжонга қараб шикоятмуз «мау» деди («Анор»)*.

Келтирилган биринчи мисолда ўхшатиш мазмунига кўра сатирик ўхшатиш бўлиб, қаҳрамоннинг характер-хусусиятларини комик планда ёритишга хизмат қилган. Айниқса, ундаги ўхшатиш қурилмаларининг мураккаб ҳолда келиши тасвирнинг аниқлигини, эмоционал-

экспрессивлигини таъминлаган. Иккинчи мисолда ўхшатиш эталонлари қаватлашган ҳолда келиб, ҳолатнинг интенсивлигини ўзига хос оригинал тасвирини берган ҳамда қаҳрамон руҳиятидаги кўрқинч ҳиссини асарнинг умумғояси билан уйғунлаштиришда актуал вазифа бажарган. Учинчи мисолда ўхшатиш ўзига хос стилистик усул *-симон* аффикси билан ҳосил қилинган. Бу аффикс ўзи қўшилган ўхшатиш эталонига ўхшатиш маъносини бериш билан бирга `тахмин`, `фараз`, `гумон` маъноларини ҳам юклаб келган. Шу боис ёзувчи персонаж таҳайюлини ўзига хос тасвирлашда *-симон* аффиксидан ўринли фойдаланган. *-ча* қўшимчаси билан ҳосил қилинган тўртинчи мисолда ёзувчи персонажнинг ташқи қиёфасини сўзлашув тилига хос салбий услубий бўёқ билан тасвирлаган. Бунда *-ча* қўшимчаси ўхшатиш эталонига ўхшатиш маъноси билан бирга `камситиш`, `масхаралаш` каби ифода семаларни ҳам юклаб, ёзувчи идеолектига хос яширин мақсадни имплицит ифодалаган. Навбатдаги бешинчи мисолда ўхшатиш мазмунига кўра кинояли ўхшатиш бўлиб, *-ларча* қўшимчаси билан шакллантирилган. Бу мисолда *-ларча* қўшимчаси ўхшатиш эталонига ўхшатиш маъносидан кўра кўпроқ киноя, пичинг, мазах оттенкаларини юклаб келган ҳамда берилган лексик қуршовда киноя билан қўлланган «узокни кўрадиган», «ҳикмат» каби бирликларнинг экспрессив кучини орттиришда актуал вазифа бажарган. Сўнгги мисолда ўхшатиш *-омуз* қўшимчаси билан ҳосил қилинган. Кўп ҳолларда *-омуз* қўшимчаси салбий оттенкага эга бўлган сўзларга қўшилиб, ўхшатиш эталонларини ҳосил қилади. Ҳикояда қаҳрамоннинг тушкун кайфиятда қолиши, унинг руҳиятига қўнғилсизликнинг ўринлашишида оқсоқ мушук детали ҳамда ўхшатиш эталони шахснинг ички феномени билан ўзига хос уйғунлик касб этган ҳамда воқеликнинг реал тасвирини берган. Бундан ташқари ёзувчи *-дек*, *-дай* қўшимчаларини *-гина* (*-кина*, *-қина*) қўшимчалари билан бирикмали ҳолда қўллаб, нутқий таъсирчанликка эришган. Бунда ўхшатиш кичрайтириш, эркалаш, ачиниш маъно оттенкалари билан юзага

чиқади. *Самижон эшикда қолиб, сартарошхонага Фотима кирди ва кўк ёғоч панжара ичида ўтирган Зухрани кўриб юраги шиг этиб кетди: озиб чўп бўлиб кетибди, букчайибди, шундай сочдан чилвирдаккина иккита кокил қолибди...*(«Нурли чўққилар»)

- *дан* чиқиш келишиги кўшимчасининг қиёс муносабатини англатиши грамматикага оид адабиётларда кайд этиб ўтилган¹. Ўхшатиш курилмалари *-дан* кўшимчаси билан ифодаланганда бир нарса-буюмдаги белги-хусусият унга муқояса қилинаётган нарса-буюмдан ортиқлик ёки камлик жиҳатдан қиёсланади. Масалан: *Малоҳатхоннинг кўк тиёладан кўра кичикроқ буқоғи бўлиб, шуни ўтган йил кузда кестирган экан* («Жонфигон»).

Берилган мисолда *-дан* кўшимчаси орқали ўхшатишнинг мазмунига кўра чоғиштирув ўхшатиш тури ҳосил бўлган. Шу боис унда ўхшашликдан кўра қиёслаш муносабати анча устунлигини кўрамыз. Айниқса, берилган лексик қуршовда чиқиш келишиги кўшимчасининг кўра ярим кўмакчиси ҳамда *-роқ* кўшимчаси билан биргаликда кўлланиши қиёслаш муносабатини янада яққолаштирган.

2. Ўхшатишнинг ёрдамчи сўзлар билан ифодланиши.

Худди юкламаси билан ҳосил қилинган ўхшатишлар. Бунда *худди* сўзи *-дек, -дай* ҳамда *ўхшамоқ* воситалари билан бирга кўлланади. *Худди* сўзи ўхшатиш эталонидан олдин, *-дай, -дек* кўшимчалари ўхшатиш эталонига кўшиб, *ўхшамоқ* феъли ўхшатиш эталонидан кейин ўринлашади.

Ҳали сиз диққат қилмадингиз, кўчанинг бошида туришини кўрсангиз – худди чўчиган товукдай бошини силкиб-силкиб, атрофга қарайди («Ифвогар»). – *Кўлинг худди эркакнинг қўлига ўхшайди-я, Мастон, – деди Турғуной анча юргандан кейин, – бирам қаттиқ...* («Мастон»).

¹ Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. – М., 1966. – С. 99; Ҳозирги замон ўзбек тили, I қисм. – Т.: Фан, 1966. – Б. 218.

Эътиборлиси шундаки, *худди* сўзи билан ҳосил қилинган ўхшатишлар қиёслашнинг анологик усули билан ҳосил қилинади.

Гуё юкламаси билан ҳосил қилинган ўхшатишлар. Бунда *гўё* ўхшатиш юкламаси якка ҳолда ҳам *-дай*, *-дек* қўшимчалари билан қаватлашган ҳолда ҳам келиши мумкин.

Ҳамма расм-русум жойига етказилгандан кейин одамлар тобутни кўтарганда шу ришта бирдан тортилди-ю, гўё Ҳикмат буванинг юрак-бағрини суғуриб олди («Маҳалла»). Шамол бир хуруж қилганида ниманидир келтириб дарчага урди. У нарса дарчани тирмалаганча сидирилиб настга тушиб кетди. Ҳамма ўтирган ерида *гўё* бир қарич чўккандай бўлди ва тин олмай бир-бирига қаради («Дахшат»).

Келтирилган ҳар икки матн фрагментида ҳам ўхшатишлар ассоциатив усул билан юзага чиққан. Бундай ўхшатишларни фақат тасаввур қилиш мумкин холос. Шунинг учун бундай ўхшатиш абстракт ўхшатишлар деб ҳам юритилади¹. Ёзувчи ўхшатишнинг бу туридан персонажларнинг руҳий кечинмаларини яққоллаштиришда унумли фойдаланган.

Сингари кўмакчиси билан ҳосил қилинган ўхшатишлар. Бунда ўхшатиш воситаси ўхшатиш эталонидан сўнг ўринлашади.

–Одам интиладиган чўққи тоғ чўққиси сингари булутлар орасида эмас, ерда бўлади, –деди Самижон («Нурли чўққилар»).

Берилган лексик қуршовдаги ўхшатиш эталони салбий эмоционал характерга эга бўлиб, унда киноя, танқид оттенкалари устивордир. Жумладан, Самижон тилидан айтилган юқоридаги образли жумла Зухранинг асл қиёфасига тутилган кўзгу эди. Шу ўринда таъкидлаш мумкинки, келтирилган матн фрагментидаги хусусий фикр умумийликка томон силжиб, асарнинг умумғояси билан уйғунлашиб, бир бутунлик ҳосил қилган.

¹ Муқкаррамов М. Кўрсатилган асар, 26-бет.

Қатори ярим кўмакчиси ҳам ўхшатиш қурилмасида худди *сингари* кўмакчиси каби ўринлашади. Улар вазифа жиҳатдан бир синонимик қаторга мансуб бўлса-да, услубан фарқ қилади. Сабабки, *сингари* кўмакчиси бадий услубга (қисман илмий услубга) хос бўлиб, унда кўтаринки, тантанавор руҳ етакчилик қилади. *Қатори* ярим кўмакчиси, асосан, жонзи сўзлашув тилига хос. Ёзувчи ундан персонаж нутқида жонли тилга хос колорит бериш мақсадида фойдаланган ҳамда руҳий таҳлилнинг ажойиб намунасини яратган: «Шунча йил сенинг заводингда ишлаб қорним ҳам тўймади, очдан ҳам ўлмадим, сен мени от қатори кўрар эдинг, тойпахталар остида қолиб қовурғам синганда касалимни маҳалла боққан» деб ўпкалайдимми? («Йиллар»).

3. Ўхшатишнинг лексик-грамматик воситалар билан ифодаланиши.

Ёзувчи ҳикояларида бир қатор ўхшатиш қурилмалари *ўхшамоқ*, *бўлмоқ*, *қараш*, *эмас* каби тўлиқ ва тўлиқсиз феъллар билан ҳам ифодаланган.

Ўхшамоқ: *Овқат маҳалида кампир жуда бетоқат бўлиб ўтирди: бир мартаба ичидан йиғи тўлқинланиб келганда ўзини тутishi учун Асрорқулга хархаша қилди:*

– *Мунча курт-кurt қилиб чайнайсиз!*

– *Турп шунақа бўлади-да, жонидан.*

– *Қаёқда, юмшоқ нон есангиз ҳам беда еган отга ўхшаб чайнайсиз!*

(«Асрор бобо»). *Уруш бўлмаганда, мана бу қалдирғочнинг уясига ўхшаган уйлاردан, мана бу бўйинчага ўхшаган эшиклардан ном-нишон қолмас эди («Картина»).*

Берилган ҳар иккала мисолда ҳам *ўхшамоқ* феъли ўхшашликнинг яхлитлигини ифодаловчи ўхшатиш воситаси бўлиб, ўхшашлик белгисини ўзида имплицит ифодалаб келган. Келтирилган биринчи лексик қуршовда ўхшатиш қурилмаси ўзига хос индивидуал характерга эга, яъни у конситуацияда қолиплаш функциясини бажарган. Ёзувчи бунда ўхшатиш

эталонини танлар экан персонажларнинг ижобий ёки салбий характер-хусусиятларини очиш йўлидан бормади, балки уларнинг рухий кечинмаларидаги оғриқли ҳис-туйғуни қолиплаш мақсадини ўз олдига қўяди ва буни персонаж нутқи орқали амалга оширади. Табиийки, бундай пайтда асарнинг таъсир кучи ортади, бадиийлик мезони таъминланади. Кейинги мисолда ўхшатишлар қаватлашган ҳолда келиб, тасвирийлик куюқлашган, яъни образлилик кенг планда тасвирланиб, пейзаж, яъни тавирлаш санъатининг гўзал намунаси яратилган. Айти пайтда ўхшатиш эталонларида ижтимоий мазмун импликация йўли билан моҳирона истифода қилинган.

Бўлмоқ: *Ажабо, бу одам нега кулаётибди, деб афтига қарасам... ранги бўз бўлиб кетибди* («Минг бир жон»).

Берилган матн фрагментидаги ўхшатиш қурилмаси равишдош шаклидаги *бўлмоқ* феъли билан ифодаланган. У ҳам *ўхшамоқ* лексемаси сингари ўхшашликнинг яхлитлигини ифодалаш билан бирга кучайтирув-таъкид маъноларини ҳам ифодалаб келади. Жумладан, келтирилган мисолда персонажнинг бутун вужудини асир этган қурқув ҳисси *бўлмоқ* воситаси орқали ниҳоятда бўрттириб кўрсатилганки, бу ўхшатиш воситасининг нечоғлик ўринли танланганлигини билдиради. Агар ўхшатиш воситасин *-дек, -дай* воситалари билан алмаштирилса, ўхшатиш бу қадар ҳаётий, таъсирчан чиқмас эди.

Демоқ: Бунда кўпинча *демоқ* феъли сифатдош шаклига кириб, *сўз, гап* лексемалари билан бирикма ҳолида (*деган гап, деган сўз*) қўлланади.

Орзиқул бу ҳақиқатни кўрсатиши билан таъна қилмоқчи ҳам эмас, чунки таъна қилиши – қаттиқ ўпкалаш деган сўз («Йиллар»).

Келтирилган матн парчасидаги ўхшатиш қурилмаси мазмунига кўра *чоғиштирув ўхшатиши* бўлиб, унда персонажнинг руҳиятида содир бўлаётган эмоционал ҳолатлар ўзаро қиёс этилган. Шу ўринда ҳикоя персонажи Орзиқулнинг инсоний фазилатлари: оққўнгиллиги,

одамохунлиги, кенгфеъллилиги ўхшатиш қурилмаси орқали ўзининг бадиий ифодасини топган.

Эмас: *Одам мушук эмаски, йилда бир мартаба мов бўлса...* («Мастон»).

Берилган матн парчасида ўхшатиш субъекти ва ўхшатиш эталони ўзаро предикатив муносабат ҳосил қилиб, ўхшатиш асоси бўлиб келган аниқловчи эргаш гапга нисбатан бош гап вазифасида келган. Ўхшатиш қурилмасининг аниқловчи эргаш гапли қўшма гап шаклида берилиши фақат А.Қаҳҳорга хос лингвистик маҳоратдир. Келтирилган ўхшатиш қурилмаси мазмунига кўра *инкор ўхшатишидир*. Бунда ўхшатиш субъекти ва ўхшатиш эталони ўзаро қарама-карши қўйиш йўли билан қиёсланган.

А.Қаҳҳор ўхшатиш воситаси сифатида *от, сифат* туркумига оид сўзлардан ҳам ижодий индивидуал фойдаланган.

Миждоз: *Бундай кечаларда одамзод қўй миждоз, гуж бўлиб ва ниманидар кутиб жимгина ўтиришни хоҳлаб қолади* («Даҳшат»).

Бу сўз кўпинча, ҳайвон номларига қўшилиб, салбий маънода кишиларнинг одати ва белги-хусусиятини уларга қиёслаш орқали ўхшашликни юзага келтиради. Берилган мисолда эса, ўхшатиш эталони нейтрал маънога эга. Чунки бунда ҳайвонга хос ҳаракат-ҳолатлар нейтрал маънода инсонга кўчирилган ва айти пайтда, ўхшатиш асосини ташкил қилган. Ёзувчининг ўхшатиш эталонидан фойдаланиш мақсади инсоннинг ҳайвонга хос хулқ-атворини ижобийлик ёки салбийлик жиҳатдан баҳолаш эмас, балки шароит тасвири билан инсон руҳиятини уйғунликда тасвирлаб, ҳикоя бадииятида халқчиллик руҳини уйғотиш.

Нусха: *У каттакон, кетмоннусха шапкасини стулга қўйиб, бир қўчоқ материал билан минбарга чиқди...* («Мунофиқ»).

Нусха сўзи жонсиз нарса-буюмлар ўртасидаги белгини шакл жиҳатдан қиёслаб келган ҳамда ўхшатиш воситаси ўхшатиш эталонидан сўнг, ўхшатиш субъектидан олдин ўринлашган. Келтирилган ўхшатиш қурилмаси сатирик характерга эга бўлиб, персонажнинг ташқи қиёфаси

билан ҳикоя фонида реаллашувчи ички маънавий қиёфасини диалектик бирликда ифодалаб, унинг характер-хусусиятини комик планда тасвирлашда муҳим тасвирий воситага айланган.

Холига: *У супургини кўтариши билан ҳамма паша гингиллашиб, бир ерга тўпланди ва бир кирти холига келди* («Башорат»).

Берилган матн фрагментидаги *холига* ўхшатиш воситаси ҳам индивидуал қўлланишга эга. У, асосан, нарса-буюмлар ўртасидаги белгини шакл жиҳатдан қиёслайди. Бунда ўхшатиш қурилмаси ассоциатив усул билан ҳосил қилиниб, фантастик-муболағали тасвир ҳосил қилишда актуал вазифа бажарган ҳамда ҳикоя сюжети билан уйғунлик касб этган.

Қиёфада: *Жонфигон катта бир ҳақиқатни очишга шошилгандай, уйдан югуриб чиқди, бизга зўр ҳақсизликдан шикоят қилаётган қиёфада туриб, аллақерда ўтган бир авлиёнинг ўз ўғлига «хотинлар бевафо» деб қилган насиҳати, жиноят қонунлари мажмуасининг алланечанчи мажмуаси тўғрисида гапирди ва бехосдан йиглаб юборди* («Жонфигон»).

Қиёфада ўхшатиш воситаси ўхшашликни ҳолатнинг интенсивлиги нуқтаи назаридан белгилайди. Ёзувчи ўхшатиш воситасининг ана шу вазифасидан персонажнинг руҳий ҳаяжонини динамик характерда ифодалашда ўзига хос тарзда унумли истифода этади.

Тарзида: – *Камбағалчилик ўлсин!*

Хотин бу гапни шикоят тарзида айтди, аммо Туробжон буни таъна деб тушунди («Анор»).

Бунда *тарзида* сўзи ўхшатиш воситаси бўлиб келган ҳамда ўзи бирикиб келган сўз билан биргаликда ҳолат маъносини ифодалаб, равиш ҳоли вазифасини бажарган. Ёзувчи ҳикояда ўхшатиш қурилмасидан фойдаланар экан, маълум бир ғоявий мақсадни кўзлагани аниқ. Туробжон оиласидаги кичик бир совғанинг катта кўнгилсизликка айланишида тумушдаги етишмовчилик, замоннинг оғирлиги, инсон манфаатлари ўртасидаги тенгсизлик бош сабабчи. Ёзувчи ана шу жиҳатни замон ва

шароит уйғунлигида тасвирлашда юқоридаги ўхшатиш қурилмасидан ниҳоятда ўринли фойдаланган ҳамда ҳикоя фониди кескин бурилиш ясаб, воқеалар ривожига туртки берган. Чунки ҳикоя персонажининг замондан шикоят тарзида айтган гапи эри учун айрича мазмун касб этади ва воқеалар ривожидидаги навбатдаги кўнгилсизликнинг бошланиши учун замин яратади.

Баробар: *Бу гап чол-кампир учун Зухранинг ўлими хабари билан баробар бўлди («Нурли чўққилар»).*

Бунда ўхшатиш воситаси сифат туркуми билан ифодаланган бўлиб, айти пайтда, ўхшатиш асоси вазифасини ҳам бажарган. Аҳамиятли томони шундаки, *баробар* сўзи ўхшатиш воситаси бўлиб келганда гапда кесим вазифасини бажаради ва ўзига тобеланаётган сўзнинг билан кўмакчиси ёрдамида эргашишини талаб қилади. У ҳам худди юқоридаги каби ўхшатиш субъекти ва эталонини ўзаро тенг муносабатта, умумий яхлитликда қиёслаб келган. Ёзувчи юқоридаги сентиментал характерга эга бўлган ўхшатиш қурилмасидан киши руҳиятидаги оғриқли ҳистуйғуни ниҳоятда усталик билан ифодалаган ҳамда ҳикоя бадииятига эстетик руҳ бағишлаган.

Жонлантиришларнинг бадий-эстетик вазифаси

Ўзбек тилшунослигида бир гуруҳ олимлар ва тадқиқотчилар жонлантиришни метафоранинг маҳсус тури сифатида изоҳлайдилар¹. М.Миртожиев эса, жонлантиришни метафоранинг мазмуний бир тури сифатида кўрсатади². М.Йўлдошев метафораларни талқин этишда М.Миртожиевнинг метафоранинг мазмуний таснифи учун келтирган одатий метафоралар, жонлантириш ва синестетик метафораларни қайд

¹Қаранг: Қўнғуров Р. Кўрсатилган асар. – Б. 101; Шомақсудов А., Расулов И., Қўчқоров Р. Кўрсатилган асар. – Б. 245; Каримов С. Кўрсатилган докторлик диссертацияси. – Б. 215; Муҳаммаджонова Г. Кўрсатилган номзодлик диссертацияси. – Б. 81.

²Қаранг: Миртаджиев М.М. Переносные значения и их манифестация в узбекском языке. Автореф.дисс... док.фил.наук. – Т., 1989. – С.13.

этади¹. Умуман, юқоридаги олимларнинг барчаси жонлантиришни метафора қуршовида изоҳласалар, Л.Жалолова жонлантиришни метафорадан кескин фарқ қилиб, уни мустақил тасвирий восита сифатида талқин этади.

Р.Қўнғуров апострофа ва аллегорияни жонлантиришга ўхшаб кетса-да, улар бир-биридан фарқли ҳодиса деб изоҳлайди. С.Каримов апострофани жонлантиришнинг бир тури сифатида қайд этади, ҳайвон ва жонсиз нарсаларга хос хусусиятни инсонларга кўчишини ҳам жонлантиришнинг бир кўриниши сифатида баҳолаб, уни персонификация деб кўрсатиб ўтади².

Юқоридагилардан хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, бизнингча, жонлантириш метафорадан фарқли ҳодиса. Л.Жалолова тўғри таъкидлаганидек, «унда инсонга хос ҳаракат, ҳис-туйғу, сўзлаш, фикрлаш жонсиз предметларга кўчирилса ҳам, лекин улар орқали инсон тушунилмайди»³. Аллегория ва апострофага жонлантиришнинг бир кўриниши сифатида қаралиши керак. Чунки уларда адабиётшунослик тили билан айтганда интоққа хос хусусиятлар мавжуд. Бинобарин, аллегорияда ҳайвонлар ёки жонли предметлар инсонга хос сўзлатилса, апострофада жонсиз нарсага жонли нарсадек мурожаат қилинади. Бунда «жонлантирилган предмет мурожаат қилаётган кишига нисбатан пассив бўлади»⁴. Демак, жонлантириш, аллегория, апострофа инсонларга хос хусусиятнинг ҳайвонларга, нарса-ҳодисаларга кўчиши билан интеграл белгига эга, бироқ улар ифодаланиш усулларига кўра бир-биридан фарқланувчи ҳодисалардир.

Масаланинг яна бир эътиборли томони, жониворлар, жонли ва жонсиз нарса-ҳодисаларга хос хусусиятнинг инсонларга кўчирилиши масаласидир. Бунда, бизнингча, жонлантириш учун ҳеч қандай асос йўқ. Балки унда метафора ҳодисаси кузатилади, яъни «жонли объект жонсиз

¹ Қаранг: Йўлдошев М. Кўрсатилган номзодлик диссертацияси. – Б. 119.

² Каримов С. Кўрсатилган докторлик диссертацияси. – Б. 217-218.

³ Джалолова Л. Кўрсатилган номзодлик диссертацияси. – Б. 88.

⁴ Қўнғуров Р. Кўрсатилган асар, 108-бет.

объектни ўзига номдош қилиб олади»¹. Бунда, асосан, ҳолатнинг интенсивлиги нуқтаи назаридан феъл-метафоралар ҳосил қилинади². Бунга жонлантиришнинг бир кўриниши деб қараш ўзини оқламагандек кўринади³. Персонификация рус филологиясида айнан шахслантириш маъноси билан қўлланилиб, жонли ва жонсиз предметларда инсонга хос хусусиятларнинг акс этишини ўрганади⁴.

Биз жонлантиришларни талқин этишда уларнинг ўхшатиш қурилмалари билан боғлиқ жиҳатларини кузатдик. Маълум маънода улар ҳам метафора сингари ўхшатиш асосига қурилади. Лекин бу билан жонлантиришни метафора ёки ўхшатишга тенглаштириш тўғри эмас, албатта. Ўхшатишнинг компонент тузилишидан фойдаланган ҳолда унинг компонент тузилишини қуйидагича белгиладик: жонлантириш субъекти – *A*; жонлантириш қиёси – *B*; жонлантириш асоси – *C*.

Жонлантиришда доим *A* ва *C* вербал шаклда иштирок этади. Масалан: *Офтоб гарбга ёнбошлаганда икки йўловчи даштдан чиқиб тепаликка йўл олди* («Мастон»). Бунда жонлантириш субъекти – *офтоб*, жонлантириш асоси – *ёнбошламоқ* бўлиб, жонлантириш қиёси вербал ифодага эга эмас. Берилган жумладаги яширин пропозиция орқали *одам каби* жонлантириш қиёсини илғаш мумкин. Агар жонлантириш қиёси вербал ифодаланиб, {*ABC*} шаклга эга бўлса, жонлантириш ва ўхшатиш қаватлашади, уларнинг муҳим белгилари жонлантириш асоси билан белгиланади: *Шамол гоҳ оч бўридай увиллар, гоҳ ўлим чангалига тушган мушукдай пихиллар, вагиллар, ҳеч нарса-ҳеч нарса кўринмас эди* («Дахшат»). Бунда жонлантириш субъекти – *шамол*, жонлантириш қиёси – *бўри, мушук*; жонлантириш асоси – *увиллар, пихиллар, вагиллар*. Айни пайтда улар ўхшатиш субъекти, ўхшатиш эталони ва ўхшатиш асоси ҳам бўлиб келган.

¹ Кобулжонова Г. Кўрсатилган номзодлик диссертацияси. – Б. 5.

² Абдуллаев А. Ўзбек тилида экспрессивликнинг ифодаланиши. – Т.: Фан, 1983. – Б. 29.

³ Қаранг: Каримов С. Кўрсатилган докторлик диссертацияси. – Б. 218.

⁴ Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. – М.: Советская энциклопедия, 1966. – С. 322.

М.Йўлдошев жонлантиришларни от сўз туркуми доирасида белгилайди¹. Л.Жалолова эса, уларни феъл сўз туркуми доирасида изоҳлайди². Бизнингча, жонлантиришлар от ва феъл сўз туркумининг ўзаро синтагматик муносабатидан ҳосил бўлади. Жонлантиришларда маълум маънода предикативлик мавжуд. Шу боис улар синтактик ҳодиса бўлиб, иш-ҳаракат ва унинг бажарувчиси ўртасидаги синтагматик муносабатда ўз инъикосини топади. Албатта, бунда лексемаларнинг ўзаро алоқаланишида улардаги `жонлилик` ва `жонсизлик` семалари зид бўлса-да, улар бадий нутқ учун меъёрий ҳолат ҳисобланади. Бадий сўз усталари ана шу синтагматик алоқа бирлигидан образлиликни, ифодалиликни вужудга келтиришда ижодий-индивидуал фойдаланадилар. Чунки жонлантириш бадий асарда ижодкор ғоясини, мақсадини амалга оширишда муҳим омил саналиб, бетақрор образли ифодалар яратади. Жумладан, А.Қаҳҳор ижодида жонлантиришларнинг энг яхши намуналарини учратиш мумкин.

Адибнинг биргина «Даҳшат» ҳикоясида табиат ҳодисалари жонлантирилиб, пейзажнинг драматизм билан уйғунлашуви зўр маҳорат билан чизилган.

Яқин икки ҳафтадан бери кўз очирмаётган кузак шамоли яйдоқ дарахтлар шохида чийиллайди, ғувиллайди, томларда вишиллайди, ёпиқ эшик ва дарчаларга бош уриб уф тортади («Даҳшат»).

Ҳикояда жонлантириш субъекти – *шамол*, жонлантириш асослари – *чийиллайди*, *ғувиллайди*, *вишиллайди*, *бош уриб уф тортади*. Жонлантириш асосларининг бундай уюшиши манзара тасвирини кучайтирган ҳамда градация ҳодисасини юзага чиқарган. Бу манзара орқали киши дилида ҳосил бўладиган ғашлик гўё бўлажак даҳшатли ҳодисанинг даракчисидай туюлади. Ҳикоя экспозициясидаёқ, ёзувчи идеолектига хос иллокутив мақсадни англаймиз.

¹ Қаранг: Йўлдошев М. Кўрсатилган номзодлик диссертацияси. – Б. 120-123.

² Қаранг: Жалолова Л. Кўрсатилган номзодлик диссертацияси. – Б. 90.

Ёзувчи кейинроқ келиб чиқадиган додхо билан унинг кичик хотини Унсиной ўртасидаги тўқнашув учун замин яратиш мақсадида яна шамол манзарасининг жонли тасвирини беришга ўтади ҳамда воқеалар ривожига кескинликка ҳамоҳанг равишда тасвир объектига ҳам динамик тус беради.

Шамол гоҳ оч бўридай увиллар, гоҳ ўлим чангалига тушган мушукдай пихиллар, вагиллар, ҳеч нарса, ҳеч нарса кўринмас эди («Даҳшат»). ...Шамол бир хуруж қилганида ниманидир келтириб дарчага урди. У нарса [бўйра] дарчани тирмалаганча сидирилиб пастга тушиб кетди («Даҳшат»).

Берилган биринчи лексик қуршовда жонлантириш {ABC} қолипга эга. Бунда юқорида айтганимиздек ўхшатиш усули жонлантириш билан қаватлашган ҳолда келиб, тасвирнинг аниқлиги, ўзгарувчанлиги, кескинлигини бўрттириб ифодалаган. Кейинги мисолда иккита жонлантириш қурилмаси мавжуд бўлиб, улар {AC} шаклга эга. Бунда жонлантириш субъектлари – шамол, бўйра; жонлантириш асослари – урди, тирмалаганича. Бу икки мисолдаги шамол билан боғлиқ жонлантириш ҳодисалари юқоридаги тасвирларга қараганда анча жиддий тус олган. Чунки улардаги тасвирнинг қуюқлашиши ҳикоя персонажлари руҳиятига кучли таъсир этади. Мана шу ерда табиат даҳшати билан додхо хонадонидаги «тириклар гўристонининг даҳшати паралеллашади. Улар бир бўлиб, персонажларни даҳшат қомига тортади. «Ҳамма ўтирган ерида гўё бир қарич чўккандай бўлади».

Унсин додхони ўз шартига кўндиргандан кейин ўз эрки учун қурашиш мақсадида «тириклар гўристонининг даҳшатини ортда қолдириб, қабристон томон йўл олади. Бироқ бу даҳшат билан паралеллашган табиат даҳшати ўз кучини кўрсатиш учун Унсин билан тўқнашади.

Пишқираётган шамол ҳар хуруж қилганида Унсинни тентиратар, талай жойга суриб ташлар эди («Даҳшат»).

Гўё энди шамол Унсиннинг Ганжиравонга жўнаш, ота-онаси, дугоналарини кўриш умиди билан кураш олиб боради. Унсинни бу йўлдан оздириш учун уни кучли ҳуруж билан тентиратар, талай жойга суриб ташлар эди. Лекин бу ҳол ўз эрки учун курашаётган аёл учун аҳамиятсиз эди.

Пейзаж яратиш санъатида ҳар бир ижодкорнинг ўзига хос баён услуби бор. Жумладан Ғ.Ғулом жонлантиришлардан фойдаланишда баён услубининг кенглиги билан ажралиб туради.

Кечагина ўтқазилган олича кўчати мунча ҳам кеккайиб тебранади. Шаби ялдонинг бўйдоқ шабадаси у билан ишқ ўйнайди. Тола-тола япроқларини силкитиб қочади, сарв қоматларини қитиқлайди.

Ой ҳам буларга ситойишкор – олича қиз кўримли кўринсин деб, қучоқ-қучоқ кумуш нурларини унинг кўксига сочади. Шу кеча шу гаюр кечанинг ҳирсини қўзғатиш учун олича қизнинг соясини икки марта чўзикроқ кўрсатади.

Чиллаки худди шу бугун, ҳали замон чумак уради. Сунага ёпирилиб тушган ишкомга қаранг, қизара бошламоқда айрим гунчаларигача...

Остида илондай тўлғаниб ётган шу ниҳол қиз – Ёқутойнинг юз қизиллиги унга кўчибдир. Даройилар ҳеч бўлмаса шу қизнинг анор бетидан шарм қилиб, чумак уради, уятдан қизаради... («Соялар»).

Ёзувчи ҳикоясидан келтирилган ушбу микроматн кўринишидаги жонлантириш сюжетнинг кириш, бошланма қисми учун келтирилган экспозициядир. У асардаги воқеаларнинг кейинги ривожига таъсир этмайди. Умуман, ёзувчи ижодида қўлланган жонлантиришлар маълум ижтимоий муҳит ва ҳаёт шароитларини тасвирлашга ҳамда бадий тасвирга бой, кўтаринки руҳ билан суғорилган пейзаж яратишга қаратилган. А.Қаҳҳор ҳикояларида эса, аксинча, ёзувчи жонлантириш усули орқали фақат пейзаж яратишни бош мақсад қилиб олмайди, балки ундан воқеалар ривожига туртки бериш, персонажлар руҳиятини очиш, асарнинг умумғоясига хизмат қилувчи тасвирий восита яратишда унумли

фойдаланади. Ҳар бир жонлантиришни ўз ўрнида кўллаб, ҳикоя бадииятини, унинг эстетик таъсирчанлигини таъминлайди.

А.Қахҳор кишиларнинг ташқи қиёфасини тасвирлашда ҳам жонлантиришлардан моҳирона фойдаланган. Бунда ёзувчининг пейзаж яратиш санъати каби портрет ҳам ҳаракатда берилади.

Унинг битта-иккита қора тук чап бериб қолган оппоқ чўққи соқоли... Ётиримей, соқол ҳам одамга шунча ярашадими-я!.. («Тўйда аза»). *Юзини кексаликдан кўра кўпроқ кўргиликлар гижимлаб ташлаган бу чол билан у ўтган йил баҳорда... танишган эди («Томошабоғ»).*

Келтирилган биринчи лексик қуршовда ҳикоя қаҳрамони Мухторхон Мансуровнинг ташқи қиёфаси жонлантириш воситаси ёрдамида ниҳоятда оригинал чизилган. Бунда жонлантириш субъекти – *қора тук* ҳамда жонлантириш асоси – *чап бермоқ* ўзаро синтагматик алоқага киришиб, ижобий маънодаги жонлантириш қурилмасини ҳосил қилган ҳамда персонажнинг ташқи қиёфасини ҳаракатда тасвирлаган. Иккинчи лексик қуршовда эса, персонажнинг ташқи қиёфаси унинг руҳияти билан уйғун ҳолда тасвирланган. Бунда жонлантириш субъекти – *кўргиликлар*, жонлантириш асоси- *гижимлаб ташламоқ* лексемалари салбийлик бўёғига эга бўлган жонлантириш қурилмасини ҳосил қилган. Бу салбийлик персонажнинг фақат ташқи қиёфасини тасвирлаш учун келтирилган эмас, балки унинг тушкун руҳиятига сабаб бўлган воқеликка бир ишора. Ҳикоя фонида унинг турмуш адолатсизликларига учрагани, ёлғиз фарзандидан бевақт ажрагани маълум бўлади. Бу кўргиликлар қалбида оғриқли изтироб қолдиради. Қалб оғриғининг персонаж ташқи қиёфасида зоҳир бўлиши жонлантириш воситасида ниҳоятда оригинал ифодаланган.

Эпитет бадий тасвишлаш воситаси сифатида

Сўнгги йилларда бадий асар тили ва унда қўлланган бадий тасвир воситаларини ўрганишга қизиқиш кучаймоқда. Малумки, эпитет бадий нутқнинг энг муҳим тасвирий-ифодавий воситаларидан бири ҳисобланади. Лекин ҳали-ҳануз эпитетларнинг назарий ҳамда амалий жиҳатлари монографик тарзда тадқиқ этилгани йўқ. Тўғри, мақола кўринишидаги кичик тадқиқотларда¹, бадий матн таҳлиliga бағишланган рисоаларда², айрим илмий тадқиқот ишларида³ қимматли фикрлар айтилган, бироқ бу масаланинг моҳияти тўла-тўқис очилди дегани эмас. Бу тадқиқотлар эпитетлар борасида алоҳида изланишлар олиб бориш учун методологик асос бўлиб хизмат қилади.

Бадий асар тилида қўлланган эпитетларнинг лисоний ҳамда лингвопоэтик таҳлили устида қатор ишларни амалга ошириш мумкин. Жумладан, биз таҳлил объекти қилиб олаётган А.Қаҳҳор ҳикоялари тилида қўлланган эпитетларнинг прагматингвистик таҳлили лингвопоэтик тадқиқотимиз учун асос бўлиб хизмат қилади. Биз тадқиқот доирасидан келиб чиқиб, уларнинг бадий-эстетик хусусиятлари ҳақида фикр юритамиз. Чунки эпитетларнинг лисоний моҳияти алоҳида тадқиқот объекти бўлиши мумкин.

«Эпитет шахс, нарса ёки воқеа-ҳодисаларнинг оддий аниқловчиси эмас, балки уларнинг поэтик образ даражасидаги моҳиятини, қимматини адо этувчи вазифасини белгиловчи бадий-аниқловчидир»⁴. Эпитет ҳамда

¹ Мукаррамов М. Ўзбек тилида сифатлаш. Ўзбек тили ва адабиёти. – 1973. - №6. – Б. 37-39; Шукуров И. Нутқий кўчма маъноларнинг ҳосил бўлиши ва конверсия. // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1975. - №5. – Б. 69; Хўжаева Д. Эпитет ва уларнинг турлари. // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1995. - №5,6. – Б. 25-27.

² Тўрабекова С. Тил ва услуб. – Т.: Ўқитувчи, 1963. – Б. 49-53; Йулдашев Б. Стилистический анализ художественной прозы. – Т.: Фан, 1989. – С. 79-81; Лапасов Ж. Бадий матн ва лисоний таҳлил. – Т.: Ўқитувчи, 1995. – Б. 26-27.

³ Каримов С. Ўзбек тилининг бадий услуби. Фил.фан.док-ри...дисс. – Самарқанд, 1993. – Б. 195-198; Нормуродов Р. Шукур Холмирзаев асарларининг тил хусусиятлари. Фил.фан.номзоди...дисс. – Т., 2001. – Б. 73-79; Муҳаммаджонова Г. 80-йиллар охири, 90-йиллар бошлари ўзбек шеърятининг лингвопоэтик тадқиқи. Фил.фан.номзоди...дисс. – Андижон, 2003. – Б. 93-98; Якуббекова М. Ўзбек халқ кўшиқларининг лингвопоэтик хусусиятлари. Фил.фан.док-ри...дисс. – Т., 2005. – Б. 190-218; Джалолова Л. Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романининг лингвистик тадқиқи и. Фил.фан.номзоди...дисс. – Т., 2007. – Б.81-87

⁴ Болтаева И. Ўзбек халқ дostonларида эпитет табиати. Фил.фан.номзоди...дисс. – Т., 2000. – Б. 10.

оддий аниқловчи ўртасидаги фарқни М.Мукаррамов ўзининг мақола кўринишидаги тадқиқотида тўртта сабаб билан илмий асослаб берган эди¹.

Ўзбек тилшунослари томонидан амалга оширилган айрим ишларда эпитетлар кўчим турларидан бири сифатида эътироф этилади ёйинки кўчим турлари қаторида санаб ўтилади². Фольклоршунос И.Болтаева рус тилшуноси А.А.Потебнянинг эпитет ҳақидаги назарий қарашларига таяниб, «эпитетлар кўчим тури эмас»³, дея эътироф этади. А.А.Потебня кўчимларга нисбатан эпитетни кенгроқ, умумийроқ ҳодиса деб тушунади ва эпитетларни кўчимлар орқали ифодаланиши ҳам, ифодаланмаслиги ҳам мумкинлигини таъкидлаб ўтади⁴. Шу ўринда И.Болтаева эпитетларнинг кўчимли ва кўчимсиз қўлланилишини назарда тутиб, «эпитет бадий ифода ёки тасвир усули бўлса, кўчимлар бадий тасвир ва ифода воситасидир»⁵ деб эпитет ва кўчимлар орасидаги тафовутни фарқлашга ҳаракат қилади.

Биз ҳам тадқиқотчининг фикрини маъқуллаган ҳолда эпитетларга семантик-стилистик восита сифатида ёндашдик. Дарҳақиқат, эпитет учун сўзнинг ўз ёки кўчма маънодалиги муҳим эмас, балки нарса ёки ҳодисадаги алоҳида олинган белгининг кучайтирилишида, таъкидланишида ва унинг эстетик мақомида деб тушуниш лозим. «Ёзувчи ўз ғоявий позицияси, эстетик диди ва поэтик мақсадларига кўра тасвирий объектни баҳолаётганда унга хос бўлган объектив белгиларни бўрттириб тасвирлаши мумкин. Бундай тасвир кўпинча сифатлаш орқали амалга ошади»⁶. Шу жиҳатдан И.Болтаеванинг оддий аниқловчи эпитетга айланиши мумкинлиги ҳақидаги эътирофини маъқуллаймиз. Фикримизни қуйидаги мисол орқали шарҳлашга ҳаракат қиламиз: *Ахир биттаси оппоқ сочи билан менга тегшиди-да!* («Майиз емаган хотин»).

¹ Қаранг: Мукаррамов М. Ўзбек тилида сифатлаш. Ўзбек тили ва адабиёти. – 1973. - №6. – Б. 37.

² Қаранг: Каримов С. Кўрсатилган докторлик диссертацияси. – Б. 195-198; Нормуродов У. Кўрсатилган номзодлик диссертацияси. – Б. 74; Якубекова М. Кўрсатилган докторлик диссертацияси. – Б. 190.

³ Болтаева И. Кўрсатилган номзодлик диссертацияси. – Б. 17.

⁴ Потебня А.А. Теоритическая поэтика. – М.: Высшая школа, 1990. – С. 165.

⁵ Болтаева И. Кўрсатилган номзодлик диссертацияси. – Б. 19.

⁶ Қиличев Э. Бадий тасвирнинг лексик воситалари. – Т.: Фан, 1982. – Б. 10.

Берилган лексик қуршовда сифатнинг кучайтирма шакли *оппоқ* сўзи денотатив маъносини сақлаган ҳолда эпитет вазифасини бажарган. Бунга сабаб белгининг маълум прагматик мақсад билан алоҳида таъкидланиши, кучайтирилишидир. А.Н.Веселовскийнинг таъбирича, «эпитет нарсадаги энг муҳим ва белгиловчи хусусиятни таъкидлашга хизмат қилади»¹.

Сўнгги йиллардаги тадқиқотларда эпитет, сифатлаш терминларини қўллашда бироз чалкашликларга йўл қўйилганлигини кузатиш мумкин. У.Норматов сифатлаш терминини адабиётшуносликка, эпитетни тилшуносликка нисбатан қўлласа, И.Болтаева аксинча йўл тутлади. Бизнингча, сифатлаш ҳам, эпитет ҳам умумфилологик термин сифатида адабиётшуносликнинг адабиёт назарияси, тилшуносликнинг лингвопоэтика (бадий матн таҳлили) соҳалари учун тегишлидир. Шунинг учун эпитет-сифатлашлар адабиётшуносликнинг ҳам, тилшуносликнинг ҳам ўрганиш объекти ҳисобланади.

Эпитетларнинг қўлланилишига кўра анъанавий (доимий) ва индивидуал турлари фарқланади.

Анъанвий эпитетлар тилда такрор қўлланлиши боис тил ходисасига айланган, образлиқдан, эмоционал-экспрессивлиқдан ҳоли бўлган, маъно хусусиятига кўра аниқловчига яқин турадиган тасвирий воситалардир². Лекин шундай бўлса-да, бадий асар тилида бадийликни таъминловчи муҳим мезонлардан бири ҳисобланади. Бунга А.Қаҳҳор ҳикояларида қўлланган *ой юзли, ширин сўзли, қора қош, қора кўз йигит, сохта табассум, майин овоз, хунук гап, хунук иш, хунук хабар, қоп-қора қон, оғир хаста, осмонтешир иморатлар, осма кўчалар, танноз қиз, азиз киши, сухсурдаккина йигит, чўлоқ супурги, қора кўнгил, қуруқ илм, харом иш* каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Лекин биз тадқиқотимизда А.Қаҳҳорга хос лингвистик маҳоратни белгилашда кўпроқ **индивидуал (хусусий-муаллиф)** эпитетларга мурожаат қиламиз.

¹ Веселовский А.Н. Историческая поэтика. – М.: Высшая школа, 1989. – С. 59.

² Мукаррамов М. Кўрсатилган асар, 38-бет.

Индивидуал қўлланишдаги эпитетлар ёзувчи услуби билан боғлиқ бўлиб, уларнинг ўзига хос лисоний лаёқатини нутқ кечимида намоён қилади. Индивидуал эпитетлар «маълум бир ижодкор томонидан илғаб олинган ва бадиий асарда алоҳида кўрсатишга бўлган эҳтиёж туфайли юзага чиқади»¹. Демак, индивидуал эпитетларда ёзувчининг ҳам субъектив, ҳам эмоционал муносабатлари яққол кўзга ташланади. Шу муносабат билан эпитетлар нутқ кечимида прагматик ахборот ташийди.

Эпителар тузилишига кўра содда ва мураккаб турларга ажратилади. Қуйида адиб ҳикояларида қўлланган индивидуал ўхшатишларни ана шу жиҳатига кўра таҳлил этамиз.

Содда эпитетлар бир сўз билан ифодаланади. Қўлланиш асосларига кўра уларни **кўчимли** ва **кўчимсиз** эпитетларга ажратиш мумкин.

Эпитет бадиий тасвир воситаси сифатида бадиий кўчимлар орқали ҳам ифодаланиши мумкин. Бунда у кўпроқ метафорик характерга эга бўлади.

Асқар отанинг назарида бундаги ҳар бир дарахт, ҳар бир бута мотамсаро, баҳорда япроқ чиқарганда ҳам қора япроқ чиқарадиган ва ҳозир «энди келдингизми, Асқар ота» деб тургандай кўринар эди («Хотинлар»).

Берилган матн фрагментида *қора япроқ* бирикмаси таркибидаги *қора* лексемасида кўчимли эпитет ҳосил қилинган. Бунда *қора* лексемаси ўзининг генетик семасини четлаштириб, ижтимоий шартланган `мотамсаро` ифода семаси билан ўзи тобеланаётган сўзга синтагматик жиҳатдан бириккан. Демак, кўчимли эпитетлар синтагматик алоқа бирлигида, нутқ кечимида ҳосил қилинади. Ёзувчи *қора* лексемасини эпитет сифатида қўллаб, ўз идеолектига хос прагматик мақсадни унда имплицит тарзда моҳирона ифода этган. Ёзувчи табиат тасвири билан Асқар ота руҳиятини уйғунлаштиради. Асқар ота она табиатнинг марҳума аёл учун мотамсаро ҳолатда турганини руҳиятида туяди ва андишада

¹ Томашевский Б.В. Стилистика и стихосложение. – Ленинград, 1959. – С. 200-208.

қолади. Табиатнинг бу даражада жонлантирилишида *қора япроқ* эпитетли бирикмаси образлиликнинг бетакрор намунаси сифатида намоён бўлган.

Адиб ҳикояларида қўлланган *кўр ойдин, кир шуъла, тўмтоқ хат, тириклар гўристон, аччиқ тутун, темир парда* каби бирикмалар ҳам кўчимли эпитетларга мисол бўла олади. Уларнинг деярли барчаси метафорик характерга эга. Ёзувчи улардан ижодий-индивидуал фойдаланиб, ғоявий мақсадларини имплицит ифодалашга эришган ва ҳикоялари тилининг эстетик кучини оширган.

Содда эпитетларнинг яна бир турида эпитет вазифасида келувчи сўз ўзининг денотатив маъносини сақлаган ҳолда ўзи алоқаланаётган бўлакка синтактик жиҳатдан бирикиб келади. Бундай эпитетларни **кўчимсиз эпитетлар** деб эътироф этиш мумкин. Улар кўчма маъно асосига қурилмаса-да, нутқ кечимида белгини кучайтиришга, алоҳида таъкидлаб кўрсатишга ҳамда ёзувчининг маълум бир прагматик мақсадига бўйсундирилган бўлади.

Ҳайдар ота унинг кетидан қолиб аста-секин елиб юрган саргимтир чангга қараганича хомуш қолган эди... («Асрор бобо»).

А.Қаҳҳор аксарият ҳикояларида рангларни рамзий маънода қўллайди. У киши руҳиятидаги тушкунлик, сўлғин кайфият, ғашликка ишора қилишда кўпинча кулранг-сафсар, сариқ-кир, сарғиш, сап-сариқ каби ранг-тус сифатларидан фойдаланади. Жумладан, юқорида келтирилган биринчи мисолда бунинг ёрқин далилини кўриш мумкин. Ҳикоя персонажи Ҳайдар ота руҳиятида содир бўлган ғашлик табиат манзараси билан уйғунлашади. *Саргимтир чанг* эпитетли бирикмасидаги *саргимтир* сўзи персонажнинг ўй-кечимларидаги хомушлик, ғашликка ишора қилиб, маълум даражада уни тўлдириб келган. А.Қаҳҳор – психологик тасвир устаси. Қаҳрамон руҳияти билан табиат тасвирини диалектик бирликда тасвирлаш унинг ўзига хос маҳорат услубидир.

Мураккаб эпитетлар қуйидагича ифодаланиши мумкин:

а) сўз кўшилмалари билан: Мастуранинг юзидан ўлим пардаси кўтарилгандай, ҳаёт тўла кўзлари ўлик юзига жон киргизгандай бўлди («Минг бир жон»).

Берилган лексик қуршовда Мастуранинг физиологик ҳолати ниҳоятда таъсирчан ифодаланган. Мастуранинг ташқи кўриниши унинг ички маънавий дунёсига тамоман зид. Ёзувчи ана шундай тасвирда ёрқин детални топади. Бу – *ҳаёт тўла кўзлар*. Ёзувчи мураккаб тузилишга эга бўлган *ҳаёт тўла кўзлар* эпитетли бирикмаси орқали персонажнинг ички маънавий гўзал дунёсига ишора қилади ҳамда асарнинг «ҳаётга муҳаббат ва бардош ўлимни енгади» деган бош ғояси билан уйғунлаштиради.

б) эпитетларнинг кенгайган бирикмалар билан ифодаланиши. Бунда мураккаб эпитетлар, асосан, сифатдошли бирикмалар билан ҳосил қилинади.

Ана кўрдингми, – деди узоқдаги туман ичида каптарранг бўлиб турган водийни кўрсатиб, – етдик («Мастон»). Фотима бирдан очилиб кетди: ана қора ёлқин ташлагувчи кўзлар-у, ана тутаб турган пайваста қошлар-у, ёшларнинг иштаҳасини очадиган кулдирғичлар-у... («Нурли чўкқилар»).

Келтирилган биринчи мисолда табиатнинг ёрқин тасвирини беришда *каптарранг бўлиб турган водий* эпитетли бирикмаси ўзига хос индивидуал қўлланиб, воқеликнинг аниқ манзарасини чизишда, жумланинг бадий-эстетик таъсирчанлигини таъминлашда муҳим тасвирий восита бўлиб хизмат қилган. Кейинги мисолда кенгайган бирикмали эпитетларнинг уюшган ҳолда келиши тасвирни янада қуюқлаштирган, жумланинг таъсирчанлигини оширган. Ёзувчи мураккаб эпитетларни кетма-кет қўллаб, портретнинг ёрқин намунасини яратган.

Адиб ҳикояларида қўлланган *ярқираб турган дарё, хўкизни бўйнидан боғлаб берадиган чиқим, эркалаб-ўпкалаб турган лаб, бита-иккита қора тук чап бериб қолган соқол, тони тешадиган загаб, бутун маҳаллага файз киргизиб турган соқол, ўлим пардаси қоплаган юз каби*

кенгайган бирикмали эпитетлар ҳам воқеликнинг батафсил тасвирини чизишда, жумла таъсирчанлигини оширишда, бадиий матнга бадиий-эстетик рух бағишлашда муҳим аҳамиятга эга.

в) эпитетларнинг иборалар билан ифодаланиши. Бундай эпитетлар бадиий матнда ўзига хос образлилик ҳосил қилади. Жумланинг аффективлиги бир неча баробар ошади.

...баъзилар: «Бечора нима қилсин, иккита боласи бор, уста Абдурахмоннинг ҳам ўлган хотинидан битта ўғли бор, вақти келганда тили қисқа бўлмайдиган иш қилибди-да...» дейишди («Бошсиз одам»). Келин «муқоваси» тузуккина, лекин хийла ўзига бино қўйган доврўқлик Умри деган қиз экан («Хотинлар»).

Демак, эпитетлар бадиий матнга бадиий бўёқ беришда, унинг таъсирчанлиги, образлилигини оширишда энг муҳим тасвирий усуллардан бири ҳисобланади. Шу билан бир қаторда ёзувчи идеолектига хос прагматик мақсадларни имплицит ифодалашда актуал вазифа бажариб, асар бадииятида эстетик рух уйғотади.

Бадиий такрорнинг лингвопоэтик хусусиятлари

Асар бадииятини таъминлашда бадиий такрорнинг ҳам ўз ўрни бор. Унда эмоционаллик, тасвирийлик ҳамда экспрессивликнинг ифодаланиши унинг оддий такрордан фарқини кўрсатиб туради. Сўз санъаткорлари бадиий такрорлардан маънони кучайтириш, таъкидлаш, ҳиссиётни бўрттириш ҳамда тасвир объектига китобхон диққатини жалб қилиш мақсадида ўрни билан фойдаланадилар. Зеро, «такрор ҳодисаси тил стилистик ресурсларининг бойиш манбаларидан биридир»¹.

Умумфилологик йўналишда такрорнинг аллелетерация, эпифора, рифма, анафора, ассонанс, консонанс, монорим, плеоназм, нақорот каби турлари фарқланади. Уларнинг қўлланиш доираси шеърий нутқда анча

¹ Мамажонов А. Такрор ва унинг синтактик-стилистик функцияси. // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т., 1986, - №6. – Б. 60.

кенг. Лекин бадий прозада ҳам ўрни билан қўлланган такрорлар асар бадииятига эстетик руҳ бағишлайди ҳамда «ғоявий бақувватликнинг ҳам муҳим шарт бўла олади»¹. Шунинг билан бир қаторда, такрорлар «муаллифнинг ёки асар қаҳрамонининг воқеликка субъектив муносабатини ҳам бера олиши керак»². Ана шундагина улар ўзининг ҳақиқий эстетик кучини намоён қилади.

Ўзбек тилшунослигида такрорлар ўтган асрда маълум даражада ўзининг назарий ҳамда амалий асосларини топди³. Шундай бўлса-да, алоҳида олинган ёзувчи ва шоир асарларида қўлланган такрорларининг лингвопоэтик таҳлилига бағишланган ишлар эса, ҳали бармоқ билан санарли даражада⁴. Бугунги кунда ҳам алоҳида олинган ижодкор нутқида қўлланган такрорларни лингвопоэтик ва прагмалингвистик жиҳатдан ўрганиш ўзининг долзарблик даражасини сақлаб турибди. Лингвопоэтик тадқиқотлар доирасида юзага келган ана шу бўшлиқни маълум даражада тўлдириш мақсадида А.Қаҳҳор ҳикояларида қўлланган такрорларни таҳлил объектига тортдик.

Такрорларда субъектив модалликнинг ифодаланиши унинг энг муҳим хусусиятидир. «Ундаги субъектив модаллик шахснинг ички кечинмалари юз берган воқеа-ҳодиса билан боғлиқ равишда воқе бўлади»⁵. Айниқса, бу **лексик** такрорларда яққол намоён бўлади.

– *Ахир, бошқоронги бўл, эвида бўл-да! – деди дўпписини қоқмасдан бошига кийиб, – анор,анор... Бир қадоқ анор фалон пул бўлса! («Анор»).*

¹ Тўхлиев Б. Ўзбек адабиёти. – Т.: Ўқитувчи, 2007. – Б. 268.

² Каримов С. Кўрсатилган докторлик диссертацияси. – Б. 224.

³ Шомақсудов А., Расулов И. ва б. Кўрсатилган асар, 232-233; Дониёров Х., Мирзаев С. Сўз санъати. – Т.: Ўздавнашр, 1962; Мамажонов А. Ҳозирги ўзбек тилида периодлар. Фил.фан.номзоди...дисс. – Т., 1974; Қўнғуров Р. Кўрсатилган асар, 125-146-бет; Ўринбоев З. О словах – повторах узбекского языка. – Т.: Фан, 1981. – С. 20-26; Абдуллаев А. Ўзбек тилида экспрессивликнинг ифодаланиши. – Т.: Фан, 1983. – Б. 81-88; Лапасов Ў.П. Диалогик нутқида субъектив модалликнинг ифодаланиши. Фил.фан.номзоди...дисс. – Т., 1996. – Б. 43-51; Рихсиева Г. Шеърятдаги гапларнинг актуал бўлишида анафораларнинг ўрни. Фил. фан.номз...

дисс. – Т., 1999; Каримов С. Кўрсатилган докторлик диссертацияси. – Б. 223-232.

⁴ Нормуродов Р. Шукур Холмирзаев асарларининг тил хусусиятлари. Фил.фан.номзоди...дисс. – Т., 2001. – Б. 85-89; Джалолова Л. Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романининг лингвистик тадқиқи. Фил. фан. номзоди...дисс. – Т., 2007. – Б. 104-106; Қосимова М. Бадиий нутқ индивидуаллигининг лингвистик хусусиятлари. Фил.фан.номзоди...дисс. – Т., 2007. – Б. 108-109; Шадиева Д. Муҳаммад Юсуф шеърятининг лингвопоэтикаси. Фил.фан.номзоди...дисс. – Т., 2007. – Б. 67-107.

⁵ Лафасов Ў.П. Кўрсатилган номзодлик диссертацияси. – Б. 43.

Ҳикояда кичик бир турмуш шароити қаламга олинган бўлса-да, у кенг ижтимоийлик касб этган. Яъни унда турмушдаги ночорлик, камбағаллик ҳамда ижтимоий тенгсизлик масаласи асарнинг умумий ғоясини ташкил этади. Ҳикоядаги анор детали ана шу ҳаёт вазиятини яққоллаштиришда муҳим тасвирий воситага айлантирилган. Айниқса, унинг такрор ҳолда стилистик қўлланилиши персонажнинг ички кечинмаларини ҳаёт вазияти билан боғлиқ равишда воқелантирган.

Ёзувчи дистант ҳолда қўлланган лексик такрорлардан, кўпинча, сатирик мазмун яратишда ижодий-индивидуал фойдаланган.

Ҳаммадан унинг қоматини айтинг: афсуски, минг афсуски, қўли иккита-да, йўқ-са энг чиройли наша чилимга ўхшар эди («Қизлар»).
Тракторист танқид қилганига санъаткор асти чидай олмас эди: трактор қаёқда-ю, масалан «чорзарб» қаёқда, тракторист қаёқда-ю, ашулачи қаёқда! («Санъаткор»).

Ҳар икки мисолда ҳам лексик такрорлар бадиият талаби билан ўзига хос таъсирчанликни ифода этган. Муаллиф нутқида қўлланган такрорлар маълум бир прагматик мақсадга йўналтирилган. Жумладан, биринчи лексик қуршовда муаллиф персонажнинг ташқи киёфасини комик планда тасвирлар экан, тасвирийликни бўрттириш мақсадида такрордан унумли фойдаланганлигини кўрамиз. Ёзувчи иккинчи лексик қуршовда персонажнинг характер-хусусиятларини индивидуаллаштиришда, унинг маънавий ҳамда лисоний савиясини киноя остига олишда такрорларни моҳирона қўллаган.

Феъл туркуми доирасида ҳосил қилинган лексик такрорлар асосан ҳолатнинг интенсивлиги нуқтаи назаридан юзага чиқади. Ёзувчи улардан персонажлар руҳиятидаги интим ҳолатларни интенсив ифодалашда, ифода-таъсирчанликни оширишда ўринли фойдаланган.

Чол баъзан жуда куйиб кетган вақтларида бошига муштлаб: «Жувонмаргга аза оч, аза оча қол», деб йиғларди («Нурли чўққилар»).

Берилган матн парчасида контакт ҳолатдаги лексик такрорнинг иккинчи қисми грамматик ўзгариш билан қўлланган. Иккинчи қисмнинг *қолмоқ* кўмакчи феъли билан бирикиши интенсивликни кучайган. Бунга *қолмоқ* кўмакчи феълининг семантик структурасига кирувчи *ҳаракат тезлиги* семаси асос бўлиб хизмат қилган. Ҳикояда персонаж руҳиятидаги ҳис-ҳаяжон, руҳий кечинмалар: соғинч ва нафрат, меҳр ва ғазаб ўзаро тўқнашади, кучли изтиробли портлаш юз беради. Бу эса, такрорнинг эмфатик урғу олганлиги билан характерланади.

А.Қаҳҳор грамматик такрорлардан ҳам ҳикоялари бадииятини таъминлашда ўрни билан моҳирона фойдаланган. Грамматик такрор деганда сўз бирикмаси ва гап такрори назарда тутилади¹. Ёзувчи коррекцион нутқ яратишда **сўз бирикмаси** шаклидаги такрорлардан унумли фойдаланган.

...Шунинг учун ҳазилкаш ўртоқларидан бири: «Бизнинг Ҳайитбой оддий жангчи эмас, энг оддий жангчи» деб лақаб қўйган эди («Қизил конверт»).

Маълумки, коррекция сўзловчининг ўзи айтган гапига нутқ жараёнида тегишли ўзгартиришларни киритиши, таҳрир қилишидир². Юқоридаги биринчи мисолда дистант ҳолатдаги такрор персонаж тилидан келтирилиб, коррекцион нутқ яратилган. Сўзловчи такрорнинг биринчи қисмида адресатнинг эгаллаб турган мавқеи ҳақида ахборот берар экан, у бу билан қониқмайди. Такрорнинг иккинчи қисмида иллокутив мақсадни амалга ошириш учун нутқини қайта таҳрир қилади, натижада такрор баҳолаш вазифасини ўтайди. Яъни сўзловчи баҳоланувчи субъектнинг содда-гўллиги, лақмалигига ишора қилиб, такрор орқали қочиримли гап, сўз ўйини ҳосил қилади. Баҳоланувчи персонажнинг характер-хусусиятлари комик планда тасвирланади.

¹ Ёўлдошев М., Ядгаров Қ. Бадиий матннинг лисоний таҳлили фанидан амалий машғулатларни ташкил этиш. – Т., 2007. – Б. 80.

² Ёўлдошев М., Ядгаров Қ. Кўрсатилган асар, 64-бет.

«**Такрорий гаплар** фикрнинг ўта таъсирчанлиги, эмоционаллигини таъминлашга мосланган махсус нутқ формасидир»¹. А.Қахҳор ҳикоялари тилининг экспрессивлигини таъминлашда такрорий гапларни ўрни билан қўллаб, уларни асар бадиияти ҳамда умумғоясига хизмат қилувчи бадиий тасвир воситасига айлантира олган.

Контакт ҳолда қўлланган такрорий гапларда субъектив модаллик худди лексик такрорлардаги каби юзага чиқади.

Унсин беихтиёр бир қадам орқага чекинди, лекин шу ондаёқ худди ўликдан қўрқмаслигини бировга писанда қилаётгандай, бақариб: «Ўликнинг жони йўқ, ўликнинг жони йўқ», – деб олга интилди («Даҳшат»).

Ҳикояда тасвирланишича, ўз эрки учун кураш майдонига отланган Унсин қабристон даҳшати олдида бир зум ожизлигини сезади. Шундай бўлса-да, юрагидаги қўрқинчли ҳаяжонга далда беради. Персонаж руҳиятидаги мазкур ҳолатни муаллиф вербал ифодаланган такрорий гап орқали юзага чиқариб, ҳикоя бадииятида халқчиллик руҳини уйғотади; ҳикоя персонажининг интенсив ҳолатини таъсирчан тасвирлайди.

– Ҳамма қўли бўшаганда йиғлайди, сен йиғидан бўшамайсан. На ўзинга қарайсан, на уйга. Чирогнинг шишасини қара!.. Қишлоқда ҳеч кимнинг уйида паша йўқ, бизникида кечаси ҳам бурун талашади.

– Юрагимга сизмайди, сизмайди юрагимга ҳеч нарса! («Асрор бобо»).

Ўзаро предикатив муносабатда бўлган такрорий гапларда иккинчи қисмнинг инверсияга учраши асосан шеърий нутқ учун меъёрий ҳолатдир. Баъзан услубий талаб билан наср тилида ҳам бу ҳолатни учратиш мумкин. Жумладан, юқорида келтирилган мисолда такрорий гапнинг иккинчи қисмида иеверсия юз берган. Кесим эгадан олдин ўринлашган. Бу эса жумланинг ифода-таъсирчанлигини оширган. Кесим гапнинг асосини ташкил қилгани боис, у такрор қўлланганда

¹ Абдуллаев А. Кўрсатилган асар, 84-бет.

экспрессивлик юқори даражага кўтарилиши табиий, албатта. Ёзувчи ана шу экспрессивлик орқали фарзанд соғинчи билан бўлиб, турмуш икир-чикирларини, ғам-ташвишларини унутиб қўйган она қалбидаги соғинчли изтиробни бор алами, ўкинчи билан моҳирлик билан такрорий гапда зоҳир этган.

Ёзувчи бир грамматик асосга эга бўлган атов гапларни ҳам такрор холда қўллаб, жумла таъсирчанлигига эришган.

Даим, даим! Ҳарорат зарбидан ҳамма ёқ лип-лип этади («Мастон»).

Атов гап шаклида берилган такрорнинг биринчи қисми номинатив функция бажарган. Унинг такрор қўлланишида номинатив маъно ўз ўрнини эмоционал, экспрессив маънога бўшатиб беради, натижада жумланинг ифода кучи ортади. Воқелик китобхон кўз ўнгида равшанлашади. Ёзувчи атов гапни такрор қўллаб, пейзаж тасвиридаги ортиқча баён усулидан қочади. Биргина такрорнинг ўзи ёзувчи етказмоқчи бўлган фикрнинг ихчам, таъсирчан шакли бўлиб хизмат қилган. Бу ёзувчининг ўзига хос бетакрор маҳоратидир.

Киноянинг бадиий-услубий қўлланилиши

Киноя тасвирий восита сифатида бадиийликда муҳим ўрин эгаллайди. Айниқса, асар бадииятида халқчиллик руҳини таъминлашда унинг аҳамияти бениҳоя катта. Сўз санъаткорлари ундан фойдаланар экан, бадиийлик мезонини ўзига хос тасвирлашда унга алоҳида эътибор билан қарайдилар.

Европа адабиётшунослигида «ирония» термини остида умумлаштирилувчи киноя воситаси шакл ва мазмун зидлигига асосланган, замирида танқидий кулги ётувчи, сўзловчининг салбий муносабатини пичинг, қочирим, кесатик йўли билан ифодаловчи услубий

воситадир. Унинг лингвистик ҳамда стилистик белгилари ўзбек тилшунослигида ҳам тадқиқот объекти бўлган¹.

Сўнги йиллардаги лингвопоэтик тадқиқотларда муайян ёзувчи ижодида қўлланган киноя воситасини тадқиқ қилишга эътибор қаратилди². Чунки киноя бадиий асар тилида фикрнинг ўта таъсирчанлигини ифода этувчи услубий восита сифатида муҳим аҳамиятга молик³. «Бу субъектив баҳо ифодалашнинг асосий негизи бўлиб, муаллиф фикрининг бадиий шаклидир»⁴.

Киноя воситасининг бадиий асар тили, унинг эстетик қимматини оширишдаги аҳамияти хусусида ҳали атрофлича изланишлар олиб бориш мумкин. Айниқса, унинг моҳиятига прагматингвистик нуқтаи назардан ёндашиб, асар бадииятини таъминлашдаги ўрнини муайян ёзувчи асарлари мисолида тадқиқ қилиш ўзининг долзарблик даражасини сақлаб турибдики, бу танланган мавзунинг нечоғлик аҳамиятли эканлигини белгилайди.

Прагматика тил бирликларидан фойдаланувчи шахс ёки сўзловчининг тил белгиларига муносабатини ўрганувчи тилшунослик аспектларидан бири ҳисобланар экан, биз А.Қаҳҳор ҳикояларида қўлланган киноя воситаларини лингвистик прагматиканинг имплицитив мазмун турларидан бири бўлган тағмаъно кўринишларидан бири сифатида талқин этамиз. Чунки «киноя ва унинг кўринишларини тўғридан-тўғри олиб уни прагматика соҳаси билан боғламай туриб,

¹ Қўнғуров Р. Қўрсатилган асар, 80-86-бет; Миртожиев М. Ўзбек тилида полисемия. – Т.: Фан, 1975; Абдуллаев А. Ўзбек тилида экспрессивлик ифодалашнинг синтактик усули. – Т.: Фан, 1983; Каримов С.А. Қўрсатилган асар, 207-211-бет; Тоҳиров З.Т. Ўзбек тилида прагматик семаларнинг ҳосил бўлиши ва уларда субъектив муносабатнинг юзага чиқиши. Фил.фан.номзоди...дисс.автореф. – Т., 1994. – Б. 13; Абдурахмонов Ш. Ўзбек бадиий нутқида кулги қўзғатувчи лисоний воситалар. Фил.фан.номзоди...дисс.

– Т., 1997. – Б. 65-104; Ибрагимова Э. Ўзбек тилида ирония ва ироник мазмун ифодаланишининг усул ҳамда воситалари. Фил.фан.номзоди...дисс. – Фарғона, 2001. – Б. 120; Шералиева М. 80-йиллар ўзбек насадидаги киноя хусусида. // Ўзбек тили ва адабиёти. – 2002. - №1. – Б. 40-42.

² Нормуродов Р. Шукур Холмирзаев асарларининг тил хусусиятлари. Фил. фан.номзоди...дисс. – Т., 2001. – Б. 79-85; Джалолова Л. Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романининг лингвистик тадқиқи. Фил. фан.номзоди...дисс. – Т., 2007. – Б. 99-101; Қосимова М. Бадиий нутқ индивидуаллигининг лингвистик хусусиятлари. Фил. фан.номзоди...дисс. – Т., 2007. – Б. 103-107.

³ Абдуллаев А. Қўрсатилган асар, 36-бет.

⁴ Ибрагимова Э. Қўрсатилган номзодлик диссертацияси. – Б. 29.

ундаги яширин мазмун кўринишларини аниқламай туриб, у ҳақда фикр юритиб бўлмайди»¹.

Фотиманинг аччиги келди: – Орқага қайтиш бўлса нима, нурли чўққидан тушиб қоласанми? («Нурли чўққилар»).

Бадиий матнда ўрни билан қўлланган киноя воситаси персонажнинг хулқ-атворини характерлаб, баҳолаш вазифасини бажариши мумкин. Жумладан, юқоридаги лексик қуршовда бунинг тасдиғини кўриш мумкин. Берилган киноя воситаси ситуатив характерга эга. Шунинг учун бунда сўзловчининг ички мақсади аниқ сезилиб туради. Чунки киноя воситасининг ишора қилиш вазифаси субъектнинг ички мақсадини юзага чиқаришда актуал вазифа бажарган. Ҳикоя персонажи Фотима киноя орқали Зухранинг бир вақтлар ота-онасига ёзган хатида «келажакнинг нурли чўққилари томон бормоқдамиз» деганига ишора қилиб, у интилган чўққи фақат худбинлик, манманлик, калтабинлик ботқоғига қурилган чўққи эканлигини кесатади.

Ёзувчи юқоридаги ситуатив характерга эга бўлган кинояни диалогик нутқда қўллаб, персонажлар нутқига жонлилик, табиийлик бағишлайди. Бунинг пировардида асар бадииятига халқчиллик руҳини олиб киради.

Бадиий матнда киноя воситасининг ифодаланиш жиҳатдан мураккаб тури ҳам мавжудки, у ассоциатив ирония деб ҳам аталади. Бунда салбий шахсий муносабат аста-секинлик билан юзага чиқиб, сўзловчи идеолектига хос иллокутив мақсад секин-аста, даражаланган ҳолда юзага чиқади². А.Қаҳҳорнинг «Майиз емаган хотин» ҳикоясида унинг энг яхши намуналарини учратиш мумкин. Ҳикоянинг номланишидаёқ ёзувчи ассоциатив киноядан фойдаланганлигини кўрамиз. Библионим сифатида келтирилган бу киноя ҳикоя персонажлари мулла Норқўзи ва унинг хотини устидан кўтарилган сатирик кулгини фош этишга қаратилган. Унда ифодаланган яширин мазмун аста-

¹ Ҳақимов М.Х. Кўрсатилган докторлик диссертацияси. – Б. 191.

² Ибрагимова Э. Кўрсатилган номзодлик диссертацияси. – Б. 37.

секинлик билан даражама-даража очиб борилган. Масалан, ҳикояда мулла Норқўзининг хотинига нисбатан «етти қават парда ичида ўтирадиган», «фаришта», «диёнатли», «покдамон», «шариатни маҳкам ушлаган» каби киноя воситаларининг қўлланилиши прогрессив ҳолда амалга оширилган. Ҳикоя сўнггида унинг барча сирларининг фош бўлиши унга берилган ижобий сифатларнинг тескари маънода киноя усули билан қўлланганлиги маълум бўлади ва китобхоннинг онг сезимларида бу ҳолат регрессив ҳаракат қила бошлайди. Бунда китобхон кўз ўнгида ҳақиқий маънавий бузуқ, тубан аёл қиёфаси реаллашади.

Ёзувчи сатирик-юмористик характердаги ҳикояларида кўпроқ киноянинг ассоциатив усулидан кенг фойдаланганки, бу ёзувчи маҳоратининг муҳим белгисидир. Айниқса, ёзувчининг бундай ҳикояларида персонажларнинг характери, ташқи қиёфаси киноя воситасида ниҳоятда оригинал тасвирланган.

Қани бирон холис одам бўлса айтсин: бутун Ўзбекистонни қидирганда Нурматжонга ўхшаган йигитдан биронта топилармикан? Бўлган тақдирда ҳам у, ёшлигида ойнага қараб, Нурматжондай «Мен қанақа хотин олар эканман» деган эмасдир.

Баъзи одамлар – ҳазилми, чинми – ҳар хил гаплар тарқатишади: ёзда унинг кетидан паша эргашиб юрар эмиш. Ёлгон! Нима қилади эргашиб? Лабининг икки бурчи ҳамиша оқриб туради дейишади. Бу ҳам... қусур эмас, балки фазилат – маъсумлик нишонаси...

Ҳаммадан ҳам унинг қоматини айтинг: афсуски, минг афсуски, қўли иккита-да, йўқса энг чиройли наша чилимга ўхшар эди («Қизлар»).

Ёзувчининг ҳикоя экспозициясидаёқ киноя усулидан фойдаланиши унинг сатирик асар яратишдаги маҳоратининг бир қирраси сифатида намоён бўлади. Киноя мураккаб мазмун кўринишларидан бири бўлгани учун, улар синтактик бирликлар орқали ифодаланиши мумкин. Чунки нутқнинг таъсирчанлиги, образлилиги, тасвирийлиги, эмоционал-экспрессивлигини юзага келтиришда синтактик усул алоҳида аҳамият

касб этади¹. Жумладан, юқоридаги микроконтекст киноя ҳарактерида қўлланган бўлиб, кенг ижтимоий қамровга эга. Бунда ёзувчи эскилик сарқити билан мияси ғовлаган, турмушдаги янгиликларни хазм қилолмаган, қўлидан бирор иш келса-да, жамиятга фойда келтиришдан ўзини тийиб, бошқалар ҳисобига кун кўришни эп биладиган шахс тимсолини комик планда тасвирлашни бош мақсад қилиб олади. Бунинг пировардида унинг характер чизгиларини, ташқи кўринишини образли тасвирлашда микромаъна кўринишидаги киноядан унумли фойдаланади.

Киноявий тағмаънонинг яна бир кўриниши қочирим бўлиб, унда рамзли гап ифодаланади. А.Қаҳҳорнинг киноя воситаси асосига қурилган «Майиз емаган хотин» ҳикоясида унинг ўзига хос бетакрор намуналарини учратиш мумкин: *Гапни кўринг-а, айтгани кишининг юзи чидамайди: бегона эркакнинг қўли оқ сочни қрайтирар эмиш. Тавба қилдим... Бегона эркак, кишининг қизлигини эсига солади дейди-да!... Қуриб кеткурлар, бирам шармандаки... Баданингда наминг борида беш-олтита эркакни кўрмасанг, умр бўладими, бу умр дейди-я!* («Майиз емаган хотин»).

Ҳикояда «очик» аёлларни бузукликка далолат қилувчи мулла Норқўзининг хотини ҳам бу борада эридан қолишмайди. Ёзувчи ҳар икки персонажни ҳикоя фонида киноя орқали комик планда тасвирлаб боради. Улар нутқида қўлланган қочиримлар ҳам аслида уларнинг характер-хусусиятига ишора қилиб туради. Бир маънода, улар нутқида қўлланган қочиримлар қолиплаш вазифасини ўтаган. Чунки мулла Норқўзининг хотини бу орқали ўзининг «подамон»лигини исботламоқчи булади, гўё. Лекин бу китобхонннинг онг ости сезимларини ҳаракатга келтириб, персонаж устидан сатирик кулги кўзғотади.

Юқоридаги мисолда ёзувчининг қочиримлардан индивидуал фойдаланиш маҳорати уларни эвфемик тарзда қўллаганлигида ҳам кўринади. Ёзувчи айтилиши қўпол, уят сўз ва бирикмаларни эвфемик тарзда қочирим остига бирлаштириб, жумланинг таъсирчанлигини

¹ Мамажонов А. Қўшма гап стилистикаси. – Т.: Фан, 1990. – Б. 18.

оширган. Демак, бадиий тасвирда қочиримлар ахлоқ меъёрларига мос равишда одоб мезонини сақлаб қолади. Унинг семантик мундарижасида ифодаланган салбий услубий бўёқ субъектив салбий муносабат ифодаланишида актуал вазифа бажаради.

Муболаға ва кичрайтириш

Абдулла Қахҳор ҳикояларида қўлланган муболағали тасвирлар фавқулодда бетакрорлиги, образ яратиш функцияси билан алоҳида эътиборга молик. Ёзувчи муболағалардан фойдаланишда уларнинг ҳаёт ҳақиқати ва ситуация билан боғлиқлигига, сентиментал характериға, асарнинг умумий ғояси билан уйғунлашувига синчковлик билан ёндашиб иш кўради.

Ҳақиқатан бундай кечаларда гўристон эсига тушган ҳар қандай одам айниқса додхо сингари пайгамбар ёшидан ошиб, кафанлигини сандиққа солиб қўйган киши ўлишдан ҳам кўра гўристонда ётишни ўйлаганида тилигача савуқ тер чиқаради («Даҳшат»).

Маълумки, «Даҳшат» ҳикоясида ўзбек аёлининг бурун замонда кўрган куни, фожиали тақдири ва бу даҳшат комида қолган Унсиннинг ундан қутулиш йўлидаги интилиши, ўз эрки учун кураши асарнинг асосий мазмунини ташкил этади. Ҳикояда даҳшат фони ҳукмрон. Ёзувчи барча тасвирий воситаларни шу фон тасвири учун маҳорат билан қўллайди. Табиат тасвири билан инсон тақдири ана шу фонда кесишади. Жумладан, юқоридаги лексик қуршовда қўлланган муболаға воқеликни янада бўрттириб, ҳикоя бадииятига кучли аффективлик олиб кирган.

Баъзи ўринларда ёзувчи нарса-ҳодисага китобхон диққатини тортиш мақсадида унинг эътиборли томонини муболаға остига олади. Масалан: *...Эркабой Мирзаев госпиталнинг деразасидан кўчага қараб хаёл суриб ўтирган эди, биров бир сават шафтоли олиб ўтди. Ҳар*

шафтолики, палахмонга солиб отсанг, пахса деворни ағдаради («Кўк конверт»).

Бундай пайтда бўрттириш, кучайтириш, изоҳлаш муносабати яққол кўзга ташланади. Айниқса, муболағанинг аниқловчи эргаш гапли кўшма гап шаклида берилиши ундаги изоҳлаш муносабатининг кучли таъкид бўёғи билан юзага чиқишини таъминлаган.

Ёзувчи ҳикояларида шахс жиҳатларини бўрттириб кўрсатишга ҳам алоҳида эътибор берилган. Масалан: *Асрорқул ота районимизда энг зўр агитатор... Ота шу ерда туриб Берлинга ўт қўяётибди* («Асрор бобо»). *Акрамжон кетимиздан чиқди, бизнинг бу илтифотимиз Мастурага қанчалик куч-қувват беришини айтиб, кўнглида мавж уриб, ёш пардаси босган кўзларида кўриниб турган чексиз миннаддорчилик туйғусини айтиб битиролмас, афтидан, Мастуранинг бир минутлик ороми учун ўнг кўзини ўйиб беришга ҳам тайёр эди* («Минг бир жон»).

Келтирилган биринчи мисолда шахснинг социал мавқеи, ижтимоий ҳаётдаги ўрни кўтаринки руҳ билан маҳоват қилинган. Ҳикоя персонажи Асрор бобонинг ташвиқотчилик, ватанпарварлик фазилатлари алоҳида бўрттириб кўрсатилган. Ижобийлик бўёғига эга бўлган кейинги мисолда ҳам шахснинг гўзал инсоний фазилатлари: севги-садоқат, меҳр-муҳаббат, вафодорлик, матонат, метин ирода, олижаноблик муболаға ёрдамида кучли эмоционал туйғулар билан ифодаланган.

«Муболағали тасвир, кўпинча, романтик образларга ва сатирик портретларга мос бўлиб тушади»¹. А.Қаҳҳор сатирик характерларни тасвирлашда персонажлар нутқидан моҳирона фойдаланади ҳамда уларнинг ҳаётида, фикрларида, кечинмаларида, кайфиятларида содир бўлган ўзгаришларни муболағали нутқ билан қўллаб, сатирик руҳдаги муболағали тасвир усулини ҳосил қилади. Мисолларга эътибор қилайлик.

Сиз араванинг гунчагини ерга кўмсангиз, худо урсин, бодринг кўкариб чиқади! («Икки ёрти бир бутун»). *Бай-бай... мен еган*

¹ Ҳомидий Ҳ. ва бошқ. Адабиётшунослик терминлари луғати. – Т.: Ўқитувчи, 1970. – Б. 120.

қаймоқларни ариқ қилиб оқизсангиз ҳеч қандай тўғон туриши бермайди («Икки ёрти бир бутун»). ...[Иғвогар] *узун нутқини «устод отган тустовуқ роҳат қилиб йиқилади», деб тугатди* («Иғвогар»).

Биринчи лексик қуршовда ҳикоя қаҳрамони Камолхоновнинг лаганбардорлиги, мунофиқлиги кескин кулги остига олинган. Унинг характер чизгилари нутқи орқали фош этилган. Персонаж нуткидан келтирилган муболаға унинг лисоний лаёқати пастлигидан ҳам далолат беради. Чунки араванинг гупчаги билан бодринг ўртасида ҳеч қандай ҳаётий алоқадорлик, яқинлик йўқ. Лекин шундай бўлса-да, воқеликнинг бўрттирилишида, жумланинг юмор ҳиссини оширишда муҳим аҳамият касб этган.

Сатирик кулгининг кўпроқ муболаға ёрдамида ҳосил қилиниши лофларда учрайди. Лоф муболаға асосига қурилган оғзаки ижод жанрларидан бири бўлиб, сатира ва юморнинг диалогик нутқ шаклида намоён бўлишидир¹. Ёзувчининг ўзбек миллий характериға хос кулги яратиш маҳорати иккинчи лексик қуршовда ўз аксини топган. Унда муаллиф халқ оғзаки ижодининг муболаға асосига қурилган лоф жанридан усталик билан фойдаланган. Ҳикояда ўзини хушомадгўйликни хуш кўрмайдиган қилиб кўрсатмоқчи бўлган Сулаймоновнинг аслида мақтанчоқ, лаганбардорликни ёқтирадиган муғомбир шахс эканлиги унинг муболағали нутқи орқали сатирик йўсинда фош этилади. Сўнгги мисолда ҳам мунофиқлик, лаганбардорлик иллатлари муболаға орқали ниҳоятда оригинал ифодаланган. Унинг образ яратиш кучи олдинги мисолдан ҳам бир қадар кучли. Ўқ еган тустовуқнинг роҳат қилиб йиқилиши жумланинг таъсир кучини оширган, китобхон шуурида кучли қаҳқаҳа уйғотган. Иғвогарнинг ҳақиқий маънавий тубан қиёфаси унинг нутқи орқали яққол намоён бўлган.

Кичрайтириш ҳам муболаға сингари бўрттириш, маҳоват қилиш санъатидир. Бироқ муболағадан фарқли равишда воқеликни ҳаддан

¹ Абдурахмонов Ш. Кўрсатилган номзодлик диссертацияси. – Б. 134.

ташқари кичрайтириб тасвирлаш усулидир. У илмий адабиётларда **литота** (юнонча *litotes* – соддалик) баъзан **мейозис** терминлари билан учрайди.

А.Қахҳор қаҳрамонларнинг оғир руҳий кечинмаларини, руҳиятидаги эмоционал туйғуларни уларнинг ташқи киёфасида-да акс этишини муболағали тасвирлашда кичрайтириш усулидан маҳорат даражасида фойдаланган.

...Кампирнинг гамига гам қўшилди, Зухрадан хат келгунча яқин бир ой бўйи ўзини ўзи еб, бир бурда бўлиб қолди («Нурли чўкқилар»). *Самижон эшикда қолиб, сартарошхонага Фотима кирди ва кўк ёғоч панжара ичида ўтирган Зухрани кўриб юраги шиг этиб кетди: озиб чўп бўлиб кетибди («Нурли чўкқилар»).* *Шундоқ Ҳикмат бува ҳафта ўтар-ўтмас бир ҳовуч суяк бўлди-қолди («Маҳалла»).*

Юқорида келтирилган мисолларда шахснинг руҳий кечинмаларининг ташқи физиологик ҳолати билан диалектик birlikда тасвирланган. Жумладан, биринчи мисолда ноқобил фарзанд изтиробида эзилган муштипар онанинг ички кечинмаларидаги азобнинг унинг ташқи киёфасида зоҳир бўлиши кичрайтириш воситасида ниҳоятда ҳаётий акс этирилган. Иккинчи лексик қуршовда эса, ноқобил фарзанд – Зухранинг ички ва ташқи феномени муболағали тасвир орқали чизилган. Ҳаётга енгил қаровчи, калондимоғ, манманликнинг қулига айланган Зухра охиروқибат ҳаёт зарбасига учрайди. Ҳаёт шавқатсизларча уни ўз исқанжасига олади. У ташқаридан қараганда, буни ҳеч кимга билдирмаси-да, лекин унинг ташқи кўринишида бу азоб-уқубатларнинг зоҳир бўлиши кичрайтириш усули орқали янада яққоллаштирилган. Сўнгги мисолда ҳам худди юқоридаги ҳолатларни кузатамиз. Унда Ҳикмат буванинг эллик уч йиллик қадрдонидан, умр йўлдошидан айрилиб, оғир руҳий қийноқда қолиши кичрайтириш орқали ҳаётий, жонли ифодаланган.

ХУЛОСА

Маълумки, тилшуносликда ўхшатишларнинг икки тури: анъанавий ва индивидуал ўхшатишлар ўзаро фарқланади. Анъанавий ўхшатишлар образлилик ва экспрессивликдан холи бўлади. Бироқ А.Қаҳҳорнинг анъанавий ўхшатишлардан индивидуал фойдаланиш маҳорати таҳсинга лойиқ, чунки адиб бундай ўхшатишларга кутилмаганда кучли экспрессивлик, янгилик бўёғини бера олган. Ёзувчи ҳикояларида ўхшатишлар аффикслар, ёрдамчи сўзлар, лексик-грамматик воситалар билан юзага чиққан.

Жонлантириш метафорадан фарқли ҳодиса. Аллегория ва апострофага жонлантиришнинг бир кўриниши сифатида қаралиши керак. Жонлантириш, аллегория, апострофа инсонларга хос хусусиятнинг ҳайвонларга, нарса-ҳодисаларга кўчиши билан интеграл белгига эга, бироқ улар ифодаланиш усулларига кўра бир-биридан фарқланувчи ҳодисалардир.

А.Қаҳҳор жонлантиришлардан пейзажнинг энг яхши кўринишларини яратар экан, ўрни билан улардан воқеалар ривожига туртки бериш, персонажлар руҳиятини очиш, бадиий ғоя билан умумлаштириш мақсадида истифода этган.

Эпитетлар бадиий матнга бадиий бўёқ беришда, унинг таъсирчанлиги, образлилигини оширишда, ижодкор идеолектига хос прагматик мақсадларни имплицит ифодалашда энг муҳим тасвирий усуллардан бири ҳисобланади. А.Қаҳҳор ҳикояларида эпитетларнинг сўзлар, сўз қўшилмалари, кенгайган бирикмалар, иборалар билан ифодаланган турларини бадиий маҳорат даражасида қўллаган.

Адиб ҳикояларида дистант ҳолда қўланган лексик такрорлардан, кўпинча, сатирик мазмун яратишда, феъл туркуми доирасида ҳосил қилинган лексик такрорлардан ҳолатнинг интенсивлигини тасвирлашда фойдаланган бўлса, коррекцион нутқ яратишда сўз бирикмаси

такроридан, жумланинг ифода-таъсирчанлиги, экспрессивлигини таъминлашда такрорий гаплардан унумли фойдаланган.

Киноя лингвистик прагматиканинг имплекатив мазмун турларидан бири бўлган таъмаъно кўринишларидан биридир. Бадиий матнда ўрни билан қўлланган киноя воситаси персонажлар хулқ-атвори, ички ва ташқи портрет кўринишларини танқидий кулги остига олишда, жумла таъсирчанлигини оширишда, бадиий матннинг жонлилик, табиийлик шарти билан халқчиллигини таъминлашда алоҳида аҳамият касб этади. Киноявий таъмаъно кўринишларидан бири бўлган қочиримлар аҳлоқ меъёрларига мос равишда одоб мезонини сақлаб қолади. Унинг семантик мундарижасида ифодаланган салбий услубий бўёқ субъектив салбий муносабат ифодаланишида актуал вазифа бажаради.

А.Қахҳор муболағалардан фойдаланишда уларнинг ҳаёт ҳақиқати ва ситуация билан боғлиқлигига, сентиментал характериға, асарнинг умумғояси билан уйғунлашувига алоҳида синчковлик билан ёндашиб иш кўради. Ёзувчи сатирик характерларни тасвирлашда персонажларнинг нутқидан моҳирона фойдаланади ҳамда уларнинг ҳаётида, фикрларида, кечинмаларида, кайфиятларида содир бўлган ўзгаришларни муболағали нутқ билан қўллади ва сатирик руҳдаги тасвир усулини ҳосил қилади.

Ёзувчи кичрайтириш усули орқали қаҳрамонларнинг оғир руҳий кечинмаларини, руҳиятидаги эмоционал туйғуларни уларнинг ташқи физиологик ҳолати билан диалектик бирликда тасвирлаб, асарнинг ҳаётийлиги, халқчиллигини таъминлаган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Абдуллаев А. Ўзбек тилида экспрессивлик ифодалашнинг синтактик усули. – Т.: Фан, 1987. – 87 б.
2. Абдуллаев Ф. Алишер Навоий асарлари тилида унли товушлар уйғунлигига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1966. – №5. – Б. 11-15.
3. Абдуллаева Л. Лексическая стилистика узбекской художественной литературы. – Т.: Фан, 1979. – 150 с.
4. Абдурахмонов Ғ. Ҳозирги замон ўзбек тилининг адабий услуби ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1992. – №5-6. – Б. 28-40.
5. Абдурахмонов Х. Особенности синтаксиса узбекского устно народного творчества. Автореф.дисс...док.филол.наук. – Т., 1977. – 37 с.
6. Абдурахмонов Ш. Ўзбек бадиий нутқида кулги кўзғатувчи лисоний воситалар. Фил.фан.номзоди...дисс. – Т., 1997. – 147 б.
7. Аҳмедов А. Фурқат поэзиясининг лексикаси. Фил.фан.номзоди ...дисс. –Т., 1960. – 139 б.
8. Аширбоев С. Алишер Навоийнинг насрий асарларидаги содда гапларнинг таркибий ва маъно хусусиятлари. Фил.фан.доктори ...дисс. – Т., 1990. – 330 б.
9. Жумаев Т. Умар Боқий асарларининг лисоний хусусиятлари. Фил.фан.номзоди ...дисс. –Т., 1997. – 261 б.
10. Жуманазарова Г. «Ширин билан Шакар» достонининг луғавий ва лингвопоэтик хусусиятлари. Фил.фан. номзоди... дисс. –Т., 2008. –229 б.
11. Жўраева М.Б. Мақолларнинг лисоний мавқеи ва маъновий-услубий кўлланилиши. Фил.фан.номзоди...дисс. – Бухоро, 2002. – 136 б.
12. Ибрагимова Э. Ўзбек тилида ирония ва ироник мазмун ифодаланишининг усул ҳамда воситалари. Фил.фан.номзоди...дисс. – Фарғона, 2001. – 120 б.
13. Йўлдошев М. Бадиий матн ва унинг лингвопоэтик таҳлили асослари. –Т.: Фан, 2007. – 123 б.
14. 2000. – 145 б.
15. Йўлдошев М., Ядгаров Қ. Бадиий матннинг лисоний таҳлили фанидан амалий машғулатларни ташкил этиш. – Т., 2007. – 112 б.
16. Калинин А.В. Лексика русского языка. – М., 1966. – 231 с.
17. Каримов С., Қаршиев А., Исроилова Г. Абдулла Қаҳҳор асарлари тилининг луғати / Частотали луғат. – Т.: ЎЗМЭ, 2007. – 420 б.
18. Каримов С.А. Ўзбек тилининг бадиий услуби. Фил.фан.доктори ...дисс. – Самарқанд, 1993. – 293 б.
19. Лапасов Ж. Бадиий матн ва лисоний таҳлил. –Т.: Ўқитувчи, 1995. – 87 б.
20. Лапасов Ў.П. Диалогик нутқда субъектив модалликнинг ифодаланиши. Фил.фан.номзоди...дисс. – Т., 1996. – 174 б.

ФОЙДАЛАНИЛГАН БАДИЙ АДАБИЁТЛАР

1. Абдулла Қаҳҳор. Асарлар. 5 томлик. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987. Т.1. – 336 б.
2. Абдулла Қаҳҳор. Асарлар. 5 томлик. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987. Т.2. – 368 б.
3. Ойбек. Қутлуғ қон. Мукамал асарлар тўплами. 5-том. – Т.: Фан, 1976. – 415 б.
4. Ойбек. Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 6-том. – Т.: Фан, 1976. – 723 б.

Мундарижа

Ўхшатишлар лингвопоэтикаси.....	4
Жонлантиришларнинг бадий-эстетик вазифаси.....	18
Эпитет бадий тасвирлаш воситаси сифатида.....	25
Бадий такрорнинг лингвопоэтик хусусиятлари.....	31
Киноянинг бадий-услубий қўлланилиши.....	36
Муболаға ва кичрайтириш.....	41
Хулоса.....	45
Фойдаланилган адабиётлар	47